

MILLIY ARMIYAMIZ YANGI O'ZBEKISTONNING MUSTAHKAM QALQONIDIR!

VATANPARVAR

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ● 2023-yil 7-iyul, №27 (3037)



BIZ
HAQIMIZDA

IJTIMOIY-SHARQ

@vatanparvar-bt@umail.uz
t.me/mv_vatanparvar_uz
facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi
youtube.com/c/uzarmiya

UZBEKISTON MUDOFASI, HARBIY-VATANPARVARLIK GAZETASI



www.mv-vatanparvar.uz



ODAMIYLIGI
VA INNOVATORLIGI
HAMOHANG HARBİY

U xalqaro va yurtimizda
bo'lib o'tayotgan
tanlovlardagi o'z innovatsion
ixtirolari bilan ekspertlarning
e'tirofiga tushdi. O'z
loyihalarini amalga oshirish
uchun bir qancha tanlovlarda
g'olib bo'lib, grantlar
sohibiga aylandi.

6

**OURBON
BOBONING
ASKAR NABIRASI**

Askarlar davrasidagi
suhbat har gal ko'ngilli
kechadi. Orzusi ko'ksida
to'lib-toshgan navqiron
yigitlarning xizmatdagi
yutuqlari, har birining o'ziga
xos maqsad va rejalarini
dilingizni ravshan qiladi.

9

**DIYORA
KELDIYOROVA
REYTINGDA
PESHQADAM**



Diyoran Ulan Bator «Katta Dubulg'a»sida erishgan natijasi
unga jahon va «Parij – 2024»
Olimpiadasi reytingi uchun 500 ochko
jamg'arish imkonini berdi. Tabiiyki,
bu muvaffaqiyat IJFning yangilangan
reytingida ham o'z aksini topdi.

18

Er yigit – yurt tayanchi!



Ўзбекистон ва Қозогистон мустақил тараққиёт йўлини бир даврда бошлаган. Шундан бери иқтисодиётни қайта тиклаш ва ривожлантириш йўлида бир-бирига елкадош бўлиб келмоқда. Ўзбекистон ва Қозогистон Марказий Осиёнинг муҳим давлатлари ҳисобланади. Икки мамлакат муносабатлари яқин қўшичилик ҳамда стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида изчил ривожланмоқда. Ушбу ҳамкорлик алоқалари халқларимизнинг азал-азалдан шаклланган дўстлик ва қардошлик ришталарига, умумий тарих, тил ҳамда маданиятига асосланган. Ўзбекистон раҳбари 2017 йилнинг ўзида Қозогистонга тўрт марта ташриф буюргани ҳам бунинг яна бир яққол тасдидидир.



БИР ДАРАХТНИНГ ИККИ ШОХИ

ЎХШАШ ВА ЯҚИН НУҚТАИ НАЗАР

Қозогистон Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев 2022 йил 21-22 декабрь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан музокаралари чоғида икки томонлама ва минтақавий кун тартибидаги масалаларни муҳокама килди, бир қатор келишувлар пакети имзоланди, йирик кўшма инвестицион лойиҳалар ишга туширилди. Қардош халқларимизнинг туб манфаатларига тўлиқ жавоб берувчи Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзолангани ташрифнинг энг муҳим натижаси бўлди.

Қозогистон 2013 йилда Ўзбекистон стратегик шериклик муносабатларини ўрнатган, Марказий Осиёдаги илк мамлакатдир. Қозогистон ҳам, Ўзбекистон ҳам Марказий Осиёга ўз ташки сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қараётгани бизларни қувонтиради, албатта. Натижада мамлакатларимиз муносабатлари стратегик ва иттифоқчилик томон юз бурди. Олий дараҷадаги мунтазам сиёсий мулоқотлар қўллаб-кувватланиб, сўнгги пайтларда янада фаоллашди. 2016 йилдан бўён олий дараҷада 13 дан ортиқ ўзаро ташриф амалга оширилган.

Ўзбекистон ва Қозогистон иттифоқчилик муносабатларини ҳар томонлама ҳамкорлик, тенглик ва манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш, давлатларнинг мустақиллиги, сувренитети, ҳудудий яхлитлиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш асосида қурмоқда. Шу билан бирга, икки давлат раҳбарлари икки томонлама алоқаларни сиёсий, иқтисодий, инвестиция, фан-техника, маданий-гуманитар соҳаларда янада комплекс ривожлантириш, олий, юқори ва бошқа даражаларда конструктив ва ишончга асосланган мулоқотни кенгайтириш тарафдори. Икки давлат ҳалқаро сиёсат масалаларида бир-бирини қўллаб-кувватлаб, БМТ, ШХТ, МДХ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Оролни қутқариши ҳалқаро жамғармаси ва бошқа ҳалқаро тузилмалар доирасида самаралар ҳамкорлик қилиб келмоқда. Минтақавий ва ҳалқаро аҳамиятга молик кўплаб масалалар юзасидан томонларнинг нуқтаи назарлари ўхшаш ёки бир-бирига яқинdir.

2003 ЙИЛДА БОШЛАГАН ЭДИ

Тан олиб айтиш керакки, Ўзбекистон ва Қозогистон Марказий Осиё Республикалари орасида биринчилардан бўлиб, давлат чегаралари масаласини ҳал қилишиб. Шавкат Мирзиёев ва Қасим-Жомарт Тоқаев мамлакатлар ўртасидаги давлат чегараларининг қўшма демаркацияси тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Чегара масаласининг ечими ҳамкорликнинг янада кенгайиши

учун янги имкониятларни очади. Эътиборлиси, Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 30 июняда Ўзбекистон ва Қозогистон ўртасидаги давлат чегарасининг демаркацияси оид шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қонунни имзолади. Қонун 3 июль куни Қонунчилик маълумотлари миллий базасида эълон қилинди. Қозогистон Президенти бу шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қонунни 28 марта куни имзолаган эди. Бу эса икки мамлакат муносабатлariдаги энг муҳим тарихий воқеалардан бўлиб, минтақамида тинчлик ва барқарорликнинг, ҳамжихатликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Шартномада икки давлат ўртасидаги чегара 2 356 километр 666 метр экани белгиланган. Чегара Тошкент ва Остона ўртасида 2021 ва 2022 йилларда эришилган келишувлар асосида демаркация қилинган. Ўзбекистон ва Қозогистон чегарани демаркация қилиш бўйича музокараларни 2003 йилда бошлаган бўлиб, чегара белгиларини ўрнатиш жараёни эса 2004 йилдан 2021 йилгача олиб борилган. Икки давлат ўртасидаги чегара Сирдарё ва Келес дарёлари ўзанининг ўзгаргани оқибатида 5 километрга ўзайди. Чегара анъанавий тарзда дарё формати асосида чизлади. Шартномада бундан бўён чегарадаги дарёлар ўзанининг ўзгарishi чегара чизигининг ўзгартирилишига асос бўлмаслиги қайд этилган.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК – УСТУВОР ВАЗИФА

Қозогистон ва Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш икки томонлама ҳамкорликнинг «юраги» ҳисобланади. Ўзбекистон Қозогистоннинг Марказий Осиёдаги энг йирик савдо шеригидир. Ўзбекистон Қозогистонга табиий газ, автомобиллар, транспорт воситалари, минерал ўғитлар, тўқимачилик, электротехника ва қурилиш материаллари, мева-сабзавот ва бошқа кўплаб товарлар, турли хизматлар экспорт қиласи. Қозогистондан юртимизга нефть, металл, ун, ёф-мой маҳсулотлари келтирилади. Ваҳоланки, мустақиллик даврининг аксарият қисмиди Марказий Осиё мамлакатлари: Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ҳамкорликнинг паст даражаси, доимий мунозаралар, жумладан, савдо урушлари, чегара можаролари ҳамда сув ва электр куввати олишини бошқариш ҳамда ишлатиш билан боғлиқ келишмовчиликлардан иборат бўлиб келганди.

Айнан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 30 дан ошиқ товар гурухларига импорт божлари бекор қилинди, протекционизм сиёсатига барҳам берилди, шу тариқа қўшни мамлакатлар билан муносабатларни сиёсатдан ва мафкурадан

холи қилишга ҳамда уларнинг Ўзбекистон бозорига кириш имкониятларини кенгайтиришга интилди. Бундай либераллаштириш минтақадаги йирик транспорт, коммуникация ва энергетика лойиҳаларини ривожлантириш, умуман олганда, Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликни рағбатлантириши мумкин. 2019 йилнинг апрелида Қозогистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари вакиллари чегара оша савдо-сотикини мақбуллаштириш ва Марказий Осиёдаги энг йирик савдо ва логистика марказини ташкил этиш мақсадида икки мамлакат чегарасида савдо ва иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳалқаро марказ барпо этиш тўғрисидаги ўзаро ангаш меморандумини имзолаган эди. Янги иншоот Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари билан савдо ҳамкорлигини марказлаштириш, савдо оқимларини бир жойга жамлаш ва тартибга солиш, шунингдек транспорт логистикасини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Қозогистоннинг Ўзбекистон билан алоқалари мустаҳкамланиши, жумладан, икки мамлакат вакиллари ўртасида тез-тез ўтказилаётган музокаралар аста-секин минтақадаги ҳамкорлик жараёнини бошлаб берди. Потенциал жиҳатдан бундай ҳамкорлик минтақа давлатлariга сув ва энергетика муаммолари, хавфсизлик ҳамда наркотиклар айланмаси муаммоларига биргаликда ечим топиш, энг муҳими, «глобал иқтисодий жараёнларнинг хомаше ётказиб берувчи чет ҳудуди»га айланиб қолмаслик имконини беради. Ўзбекистоннинг истеъмол бозори катталиги ва Қозогистоннинг ҳудуд ўлчами ҳисобга олинса, бу икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар минтақадаги ўсишнинг узоқ муддатли истиқболи калити эканини ва чиндан ҳам минтақадаги иклими белгилаб беришини кўриш мумкин. Энг муҳими, минтақа давлатлари ўрталаридағи муаммоларини маслаҳатлашиб, учинчи бир мамлакатни жалб қилмаган ҳолда ечаётганилларни ҳам эътиборга молик.

Транспорт коммуникациялари соҳаси Ўзбекистон-Қозогистон ҳамкорлигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан биридир. Мамлакатларимизнинг автомобиль ва темир йўллари ўзаро интеграциялашган. Ушбу муҳим алоқа тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини бажармоқда. Бугунги кунда бу борадаги истиқболли лойиҳалар қаторида Учқудук – Қизил Ўрда участкасида янги йўлак барпо этиш ҳам бор эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Денгизга чиқиш имконияти бўлмаган Қозогистон ва Ўзбекистон учун транзит инфратузилмасини токомиллаштириш ва бошқа мамлакатлар билан транспорт кооперациясини ривожлантириш биринчи галдаги вазифалардан дарандир. Қозогистоннинг Мақтаарал тумани худудидан ўтган Тошкент ва Самарқандни боғловчи автомобиль

йўлининг очилиши, Тошкент-Олмата тезюарар поезди ва икки мамлакат шахарлари ўртасида автобус қатновининг йўлга қўйилгани транспорт коммуникациясини янада кенгайтириди, худудлараро алоқалар, савдо ва туризм ривожига хизмат қилди.

ЎЗИНИ ОҚЛАМАГАН САЛБИЙ ПРОГНОЗЛАР

Икки томонлама муносабатларни кўллаб-қувватлаш ва халқларимиз ўртасидаги яқинлашувни янада мустаҳкамлашда икки давлатда истиқомат қилаётган кўплаб қозоқ ва ўзбек диаспоралари мухим ўрин тутади, уларнинг ўз миллий маданияти, тили ва анъаналарини ривожлантириши учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Миллий маданият марказлари, таълим ўзбек диаспоралари олиб бориладиган мактаблар фаoliyati кўрсатмоқда, қозоқ ҳамда ўзбек тилларида газета ҳамда журнallар чоп этилмоқда.

Эътироф этиш керак, мустақилликка эришилгандан бошлаб кўплаб эксперт ва кузатувчилар аксар ҳолларда Марказий Осиё тараққиётининг салбий сценарийсини прогноз килган эди. Мамлакатларимизнинг парчаланиб кетиши, назорат қилиб бўлмайдиган тероризм хавфининг кучайиши, ички низолар, иқтисодий ва ижтимоий таъзуллар башорат қилинганди. Бироқ Марказий Осиёни «болқонлаштириш» прогнозлари рўёбга чиқмади. Марказий Осиёдаги ҳар бир давлатнинг мустақиллик йилларида дадил қадамлари минтақада барқарорликни сақлаш имконини берди, бу эса узоқ муддатли изчил тараққиётга мутахкам пойдевор қуришда мухим аҳамият касб этади. Бугунги кунда Марказий Осиё тараққиётнинг янги даврини бошдан кечирмоқда. Давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, барча долзарб масалалар бўйича ўзаро мақбул ечимлар топиш тенденциялари қайд этилмоқда.

Туркий халқлар бир илдиздан ўсиб чиқсан улкан дараҳтга ўхшайди. Шу дараҳтнинг Ер юзига кенг соя берадиган икки йирик шохларидан бири қозоқ халқи бўлса, бошқаси ўзбек халқидир. Бир теран томирдан сув ичган икки халқнинг кенг ва чуқур маъноли маданияти, урф-одатлари, қадриятлари бир-бирига туташ, ўзаро ҳамоҳанг ва ўйғун. Қардошлик ва биродарлик ришталари асрлар оша қондошлик, қуда-андаликка уланиб кетган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ва Қозогистон муносабатлари янги поғонага кўтарилиши икки қардош халқнинг узоқ муддатли манфаатларига тўла жавоб беради ҳамда Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва жадал тараққиётни таъминлашнинг мухим омили бўлиб хизмат қилади.

**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,
сиёсий шархловчи**



ЧҮЛДАГИ ТАХСИЛ, ТАЖРИБА ВА МАЛАКА

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп қирралар алоқалар халқаро ҳарбий ҳамкорлик йўналишида ҳам ўз самарасини кўрсатиб, икки давлат ҳарбий хизматчиларининг ўзаро малака ва тажриба алмашишида, биргаликда ўқув-жанговар вазифаларни адо этиш орқали жанговар тайёргарлитини юксалтиришида мухим роль ўйнайти.



Икки давлат ҳарбий ҳамкорлиги доирасида Хоразм вилоятидаги «Янгиариқ» умумкўшин полигони базасида жойлашган ва 2021 йилдан фаолиятини бошлаган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлинмаларини чўл шароитида тайёrlаш марказида Қозоғистон Республикаси Мудофаа вазирлиги маҳсус бўлинмаларининг бир гурӯҳ ҳарбий хизматчилари таҳсил олди.

Айни вақтда Ер юзининг қарийб 75 фоизи чўлланиб қолган. Марказий Осиё давлатларининг кўплаб қисми ҳам чўллардан иборат. Ана шундай иклеми ўзгарувчан, бепоён қўмлик



ва намлик даражаси паст бўлган худудларда биринчи навбатда ҳарбий хизматчиларнинг яшовчанлигини ошириш, қўйилган жанговар вазифаларни сифатли бажарилишига эришиш мақсадида марказда ўзбекистонлик ҳарбий мутахассислар билан биргаликда қозоғистонлик ҳарбийларнинг ҳам таҳсил олиши, тажриба ва малака алмашишига имкон яратди.

14 кун давом этган ўқув курси дастурига мувофиқ, икки давлат ҳарбий хизматчилари чўл шароитида олов ва сув топиш, ов қилишга мўлжалланган қўл остидаги предметлардан ясалган қуроллар ва қопқонларни тайёрлаш, чўл шароитида бўлинмаларнинг ниқобланиши ҳамда шахсий таркиб жойлашиши учун шароитларни яратиш, шартли ярадорларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва қўлбола тиббиёт буюмларини ясаш бўйича амалий машқларни бажарди. Сахрода овланган ёввойи ҳайвон ва балиқлардан тўйимли таомлар тайёрлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини маълум муддат ичидан саклашни ташкил этиш бўйича маҳоратларини бойитиши.

Курс якунида бўлинмалар бир неча километрли разведка-қидириув ҳаракатларини амалга ошириб, йўналишда мавжуд сувли тўсиклардан ўтиши амалда қўллашди. Яқин жангда бир-бiriни ҳимоя қилган ҳолда жанговар қуролларни қўллаш, ярадорларни жанг майдонидан олиб чиқиши ва уларга тиббий ёрдам кўрсатишни машқ қилиши.

Марказ битирувига бағишлиланган тадбирда ўқув курсини тамомлаган ҳарбий хизматчиларга сертификат, фахрий ёрлиқ ҳамда эсадалик совғалар тантанали тарзда топширилди.

Қозоғистонлик ҳамкаслар томонидан мазкур марказда меҳмонларнинг тажриба алмашиши, дам

олиши ва маданий хордик чиқарishi учун яратилган шароитлар учун миннатдорлик билдирилиб, таълим жараёнида ўзбекистонлик малака мутахассисларнинг жалб этилиши Қозоғистон ҳарбий хизматчиларининг малака оширишида мухим роль ўйнаганини алоҳида эътироф этиши.

Ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар томонидан намойиш этилган қўл жангни бўйича кўргазмали чиқишлар тадбирга ўзгача файз олиб кирди.

**Подполковник
Темур НАРЗИЕВ,
Шимоли-ғарбий ҳарбий округ
матбуот хизмати бошлиғи**

Бундан 10-15 йил олдин халқаро мусобақаларда иштирок этиб қайтган спортчилар билан сұхбатлашганимизда, уларнинг аксари бориб келган мамлакатдаги яратилған шароитлардан ҳайратланганини яширмас эди. Үша жойларда түшгандың суратларини құрсатып, үзимизда ҳам машғулоттар үтказилиши учун ана шундай имконияттар бўлишини ҳавас билан гапиришарди.

ИМКОНИЯТ БЎЛГАН ЖОЙДА

Буғунги кунда үша спортчиларнинг ҳаваслари рўёбини кўриб турибиз. Барча соҳаларда бўлгани каби спортда ҳам жуда катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Буни оммавий ахборот воситалари орқали намойиш этилаётган кўрсатув ва хабарлардан ҳам билиб олиш қийин эмас. Тошкент вилоятида жойлашган Тошкент денгизи негизида Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази эшкак эшиш базасининг очилиши ҳам сув билан боғлиқ спорт ўналишидаги барчанинг бирдек орзуси эди. Уларнинг орзуси амалга ошганлигидан кўнгиллари завқ ва шавққа тўлди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамблининг байрамона куй-қўшиклари ҳамоҳанглигига үтказилган очилиш маросимида Мудофаа вазирининг ўринbosари генерал-майор Ҳамдам Қаршиев ҳамда ёшлар сиёсати ва спорт вазири ўринbosари Шаҳрилло Маҳмудов сўзга чиқиб, мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва уни ёшлар орасида кенг оммалаштиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тадбирда қайд этилганидек, Мудофаа вазирлиги спортчиларнинг мунтазам машғулот олиб боришлари учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Замонавий кўринишда қад ростлаган спорт базаси дастлаб 1973 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, шу кунга қадар ҳеч қандай таъмирлаш ишлари олиб борилмаган. Шунга қарамай, спортчилар малакали мураббийлар кўл остида жаҳон ареналарининг нуфузли мусобақаларида ғолиб ваsovрindorлар қаторидан жой олаётган эди. Бу уларнинг ватанпарварлиги, метин ирова ва ғалабага бўлган юқори иштиёқидан далолат.

– Бир вақтнинг ўзида 70 дан ортиқ спортчини қабул қилишга мўлжалланган янги спорт базаси энг сўнгги спорт анжомлари билан жиҳозланган бўлиб, шинам ва қулай





НАТИЖА ҲАМ АЪЛО БЎЛАДИ



ётоқхона, автоматлаштирилган кир ювиш ҳамда қуритиш хоналари, тренинг заллари ва замонавий ошхоналарни ўз ичига олади, – дейди Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази бош мутахассиси Мақсуд Мухамедов. – Қолаверса, бу маскандга спортнинг барча йўналишидаги спортчиларга машгулут олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Асосийси, ҳавонинг тозалиги, табиатнинг мусаффолиги инсоннинг кайфиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Келгусида халқаро мусобақаларни ҳам шу маскандга ўтказиши режалаштирганмиз. Базанинг номи эшкак эшиш бўлгани билан сув полоси, триатлон каби мусобақаларни ҳам ўтказишида ҳеч қандай қийинчлик бўлмайди. Қурилиш ишлари бошланишидан аввал буларнинг барчаси инобатга олинган эди. Базанинг очилиш маросимидаги 1 500 метр масоғага сузиш бўйича ўртоқлик мусобақасининг ўтказилиши ҳам бунинг ёрқин исботи.

Энг замонавий услубда қурилган иншоотнинг қад кўтарилишида жонбозлик кўрсатган қурувчиларга Мудофаа вазирлигининг қимматбаҳо совғалари вазир ўринбосари полковник Зоиржон Бозорбоев томонидан тантанали радиша топширилди.

Ушбу янги спорт базаси келажакда мамлакатимиз терма жамоасига капитан Вадим Меньков, кичик сержантлар Дилноза Раҳматова, Нилуфар Зокирова, Қуролли Кучлар хизматчилари Артур Гулиев, Шахриёр Маҳамов ва Шахбоз Холмирзаев каби иқтидорли ва умидли спортчиларни тайёрлашда таянч базага айланиши шубҳасиз. Яратилган имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланган ҳолда уларга Олимпиада йийинларида ёрқин ғалабалар тилаймиз.



Дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлари ўсиб келаётган ёш авлодни таълим олишида асосий эътиборни юқори интеллектга қаратмоқда. Бундай тажриба ўзини тўлақонли оқлаяпти, десак, асло муболаға бўлмайди. Бугунги кунда гувоҳи бўлиб турганимиз, инсонлар ҳаётидаги муҳим ихтиrolарнинг аксари айни интеллект соҳибларининг ҳиссасига тўғри келади. Ихтиродан келаётган манфаат фақат ихтирочигагина эмас, балки бутун жамиятга нафи тегаётганлиги учун ҳам уларга жуда катта ғамхўрлик қилинмоқда.

ОДАМИЙЛИГИ ВА ИННОВАТОРЛИГИ ҲАМОҲАНГ ҲАРБИЙ



Бугунги қаҳрамонимиз ҳам Ватан мудофааси йўлида кўлланиладиган катта ихтиrolар бўсағасида турган бўлжак олим. У халқаро ва юртимизда бўлиб ўтаётган танловлардаги ўз инновацион ихтиrolари билан эксперtlарнинг эътиборига тушди. Ўз лойиҳаларини амалга ошириш учун бир қанча танловларда ғолиб бўлиб, грантлар соҳибиға айланди. Эндиғина 29 ёшни қарши олган катта лейтенант Зайниддин Одашовнинг ҳарбий соҳага кириб келганига сал кам 10 йил бўлди. 2015–2019 йилларда Чирчиқ олий танк кўмандонлик-муҳандислик билим юртида таҳсил олган қаҳрамонимиз ҳозирда мазкур билим юртида олган билим ва тажрибаларни курсантларга ўргатиш билан бир қаторда, ушбу маскандаги ўш олимлар кенгаши раиси лавозимида ҳам хизмат қилиб келмоқда.

– Чирчиқ олий танк кўмандонлик-муҳандислик билим юртида устоз-шогирд анъанаси яхши йўлга қўйилган. Бундан икки йил муқаддам билим юртида ташкил этилган ўш олимлар кенгашига раисликка Зайниддиннинг номзодини танлаганимизда энг тўғри йўл тутганимизни унинг бугунги эришаётган ютуқларидан англаб турибмиз, – дейди профессор, ҳарбий фанлар доктори полковник Собиржон Абдурайимов. – У талабчан, ташаббускор, намунали интизомга эга офицер. Ҳали ўзи шогирд бўлишига қарамасдан, курсантлар орасида ҳам кичик ихтиrolарни амалга ошириб, танловларда

юқори натижаларни забт этиб келаётган ўз шогирдларига эга. Ёш ихтирочи катта лейтенант Зайниддин Одашов ўз жамоаси сафига билим юрти шахсий таркиби орасидан инновацион ғоялар ва илмий янгиликларни доимий равишда ўрганиб боришига мойиллиги ҳамда қизиқиши бор офицерлар, сержантлар ва курсантларни билим юртида илмий ҳамда инновацион ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида жалб қилиб келмоқда. Ёш олимлар кенгаши жамоаси фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўтган қисқа давр мобайнида Зайниддин бошчилигидаги жамоа стартап лойиҳаларни амалга ошириди ҳамда дастлабки ижобий натижаларга эриши. Унинг ютуғи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан «Мард ўғлон» давлат мукофотига лойиқ кўрилганлиги бутун билим юртини қувонтириди. Бўлжак олим Зайниддин Одашовнинг келгуси фаолиятига омад тилайман.

Наманган вилоятининг Норин туманида таваллуд топган Зайниддин Одашов коллежда ўқиб юрган кезларидаёқ IT соҳасини мукаммал эгаллашга қарор қилган эди. Унинг ихтиrolари дастлаб компьютерда моделлаштирилиши инобатга олинса, IT соҳасини пухта ўрганганилиги бежиз кетмаганини тушуниш мумкин. Коллежда олинган назарий билимларини амалиётда синаб кўриш учун Чирчиқ олий танк кўмандонлик-муҳандислик билим юртидек қулай жой топилмаса керак. Билим юрти



Mualif surʼatga olgan

курсанти бўлган кезларидаёқ яратилган шароитлардан унумли фойдаланиш кераклиги ва Ватанга нафи тегадиган ихтиrolар устида ишлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган қаҳрамонимиз офицерлик даврида ҳам изланиш ва интилишдан тўхтамади. Қилинг тинимсиз ҳаракатлар аста-секин ўз натижасини бера бошлади.

Устозлари маслаҳатига доим риоя этадиган Зайниддин 2021 йилнинг 21–24 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиалида вилоят олий таълим муассасаларидан келган 30 та жамоа иштирокида ўтказилган «Technoways» технологик ривожланиш марафонининг вилоят босқичида «Энг яхши технологик ечим» йўналиши бўйича «Танк командири хавфсизлигини таъминлаш» лойиҳаси билан фахрли 1-ўринни эгаллади. Ўша йилнинг 19 октябрь куни билим юртида ўтказилган халқаро илмий анжуманда «Масофадан бошқариладиган минитанк», «Симсиз шлемафон» ва «Сунъий интеллектга асосланган минигаджет» лойиҳалари билан иштирок этиб, 11 та давлат ҳарбий атташelари ва республикамизнинг қатор олий таълим муассасалари вакилларига билим юртида ишлаб чиқилаётган янгиликларни намойиш қилди ва бу орқали билим юрти имижини янада оширишга катта ҳисса қўшди. 2021

йилнинг 15–24 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан «INNO» технопаркида республикамизнинг бир қатор олий таълим муассасаларидан келган 100 та жамоа иштирокида ўтказилган «Technoways» технологик ривожланиш марафонининг республика босқичида «Масофадан бошқариладиган жанговар техникалар» йўналиши бўйича «Минитанк» лойиҳаси билан иштирок этиб, фахрли 1-ўринни эгаллади.

Катта лейтенант Зайниддин Одашов ўз жамоаси аъзоларидан 14 нафар курсант, 2 нафар офицер ҳамда 6 нафар сержантни «Мирзо Улугбек ворислари» республика танловига тайёрлади ва умумжамоа хисобида 1-ўринни эгаллади.

2022 йилнинг 30 июняда «Янги Ўзбекистон» боғида «Беш ташаббус» якунларига бағишлиган форумда Мудофаа вазирлиги номидан иштирок этган Зайниддин Ўзбекистон Республикаси Президентига ўзининг «Масофадан бошқариладиган минитанк» лойиҳасини тақдим этди.

Катта лейтенант Зайниддин Одашовнинг ҳозирги кунда янги лойиҳалар устида олиб бораётган ишланмалари талайгина. Аммо наманганликларга хос юмшоқлик, ўта камтарин, хушфөъл ва одамохун бўлган Зайниддин охирiga етмаган ишларини ошкор этишга унда маслигимизни илтимос қилди. Нима ҳам дердик, унинг янги ихтиrolари тез кунда поёнига этишини ва у Куролли Кучларимиз кучига куч, қудратига қудрат қўшишига умид боғлаб, қаҳрамонимиз билан хайрлашдик.

Ш. ШАРИПОВ

Бугунги кунда аждодларимиз томонидан яратылган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган халқ үйинлари, хусусан, ҳарбийлик фаолияти билан боғлиқ үйинлар, уларнинг келиб чиқиш тарихи, ривожланиши ва аҳамиятини чуқурроқ ўрганиш устувор вазифалардан саналади.

Чунки Ватанимиз тарихининг турли давларрида бундай үйинлар халқимизнинг кўрки ва қиёфаси, жисмоний, руҳий ва ақлий камолотини белгилаб берувчи мухим омиллардан бўлиб келган. Буни биз буюк давлат арбоби ва енгилмас саркарда Амир Темур фаолиятида яқъол кўришимиз мумкин.

АМИР ТЕМУРНИНГ САРКАРДАЛИК ФАОЛИЯТИДА ҲАРБИЙ-ЖАНГОВАР ҮЙИНЛАРНИНГ ЎРНИ



Маълумки, кўпгина манбаларда Амир Темурнинг болалиги афсонавий тарзда тавсифланади. Хусусан, Темур отаси Тарагай Баҳодирнинг паноҳида ўша замонларда асилзодаларга хос ақлий ва жисмоний тарбиянинг барча турларидан баҳра олган, ҳам ақлан, ҳам жисмонан чиникиб борган. Тили чиқиб, ақлини таниганидан бошлаб, то 12 ёшга тўлгунига қадар мактабда ўзиш, саводхон бўлиши билан бирга эртак, сўнг тарихий қисса ва ривоятлар тинглаши хуш кўрган, тенгкурлари билан ҳар хил ҳаркатли үйинлар үйнаган. Вақт ўтиши билан үйинлар мураккаблашиб борган. От устида олишув, пойга, яккама-якка кураш, «уруш-уруш» ўйини шулар жумласидандир. «Кўчада мен болалар билан ўйнардим, – деб ёзди Амир Темур, – болалар билан «уруш-уруш» ўйнаб, ўзимни амир этиб тайнлардим-да, ўйинни бошқардим ва болаларнинг бир гурухини иккинчи бир гурухи билан уриширишни машқ қилардим».

Мулло Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» китобида ҳам «уруш-уруш» ўйини қайд этилади, шунингдек Амир Темурнинг болалигидан жисмонан кучли бўлиб ўғсанни, мардлиги мисоллар билан ёритилади.

Манбаларда келтирилишича, Тарагай Баҳодир ўғли Темурбекка ҳамиша бир гапни тақрорлар экан: яъни биз ҳарбий санъат билан шуҳрат қозонган аждодларнинг авлоди эканмиз, шунинг учун ҳам болалиқдан ҳарб санъатини ўрганишга бурчли эканман. Темурбек мана шундай даъватлар таъсиридами ёки қонида борлиги учунни илим олишга қанчалик иштиёқманд бўлса, ҳарб ишига бўлган қизиқиши ҳам ундан кам эмасди. Кешга чегарадош минтақаларда жуда катта яйловлар бўлиб, унда йилқи ўюрлари, ёввойи эшаклар тўдаси ўтлаб юрар эди. Шуларнинг сафида отамга тегишли бўлган, унча катта бўлмаган уюр ҳам бор эди. Темурбек дарсдан кейин от минишини ўрганиш иштиёқида шу ерга келарди. Аввалига уни катта ўшдаги бирор киши минилмаган, ярим ёввойи бу отларни бўйсундирish йўлларини ўргатиб борган. Ушу ишга оид барча қоидаларни бекаму кўст ўзлаштира борган. Кейинчалик бўборада анча малакага эга бўлган. «Ўн икки ёшга тўлганимда, – деб ёзди Амир Темур, – болаларча ўйинлардан орланадиган бўлдим».

Амир Темур энди от миниши, чавандозлик машқларига, ов қилишга меҳр қўя бошлади.

«Ўн беш ёшга тўлганимда от миниб овчилик қилишин жуда севиб қолдим ва бу ишда маҳоратим камолотга етди», деб таъкидлайди у. Аммо шунда ҳам «уруш-уруш» ўйинидан воз кечмаган. Фақат энди ўйин илгаридай чўп отлар билан эмас, ҳақиқий отлар билан жиддий йўсунда олиб борилган. Бу тўғрида манбаларда шундай маълумот бор.

Соҳибқирон яйлова фақат отда сайр қилиш билангина кифояланмас эди. У от устида туриб қиличбозлик қилиш, ўқ отиш ва ўзини мудофаа қилиш маҳоратини ўстириш учун шуғулланган. От устида чопиб кета туриб ўқ узарди, аммо отган ўқи нишонга етиб бормас, қилич сирмashi ҳам кутилган натижани бермаган. Шунда устози уни овутиб: «Сен ҳали ўшсан, мушакларинг бақувват эмас. Ҳали ўсиб улғаясан, тананг кучга тўлади – ўшанда ўқни бехато узоқ масофага отадиган бўласан», дерди.

Амир Темур 16 ёшга тўлгандан жанг санъатини шунчалар ўзлаштириди, тенгдошларидан бирортаси ҳам кураш, ўқ отиш мусобақаларида унга тенглаша олмасди. Шунингдек, у оғир вазни кўплаб курашчилардан эпчиллиги билан ажрабиб турган. У ҳар борада бошқалардан устун бўлишга, улар бажариши мушкул

бўлган машқларни бажаришга ҳаркат қилган. Ана шундай машқлардан бири – учта отни ёнма-ён чоптириб, биридан иккинчисига сакраб минишни машқ қилган.

«Йигирма ёшга тўлганимда тенгдошларим билан тез-тез уруш машқларини ўтказиб турдим: бунда уларни икки гурухга бўлиб, бирини иккинчиси билан жанг қилишини машқ қилдим». Шу тарзда оддий эрмак ўйин ҳақиқий жанговар машққа айланади.

Соҳибқирон бобомизнинг сезимли машғулотларидан яна бири – катта тезлик билан югуриб бораётган отнинг эгаридан тутиб гоҳ у, гоҳ бу томонига сакраб оёғини ерга тегизар-тегизмас яна эгарга ўнгланиб олишдан иборат эди. Бу машғулот кейинчалик жангларда ёвнинг ўқларига чап бериш учун аскатган.

Буюк саркарда Амир Темур чавандозликдан ташқари сувда сузиш борасида ҳам катта маҳоратга эга бўлган. Жайхун дарёси Мовароуннаҳр бўйлаб оқиб ўтади. Баҳор кезлари у тўлиб-тошади, ўзанига сиғмай қолади. Бир соҳилдан иккинчисига сузиб ўтиш оғирлашади, ҳатто оқим хавфли тус олади. Темурбек мана шундай вазиятда ҳам қарама-қарши соҳилга сузиб ўтган. Бунинг учун эса сувга тушиши билан ўзини оқим ихтиёрига топширган. Оқим бўйлаб кетаркан, у аста-секин нариги соҳилга яқинлашиш ҳаркатида бўлди, бу ҳол токи соҳилга етмагуничча давом этган.

Маълумки, XIV-XV асрлар одатига биноан жанглар, ҳарбий юришлар карнай-сурнай, ногора ва болониёнларнинг садолари остида олиб борилган. Амир Темур юришлари, жанглари ҳам бундан мустасно эмас. «Темур тузуклари»дан бири «Катта ногора ва байроқ ато этиш тузуги» деб аталади. Яъни ногора байроқ сингари мўътабар тутилган. «Амир қилдимки, – деб ёзди тузукда Амир Темур, – ўн икки катта амирларнинг ҳар бирига битта байроқ ва бир ногора берилсин. Амир ул-умарога байроқ ва ногора, туман туғи ва чортуғ тақдим этисинлар. Мингбoshiга эса бир туғ ва карнай берсинлар. Аймоқларнинг амирларига бўлса, биттадан бурғу тақдим этисинлар. Тўрт бекларбекимнинг ҳар бирига биттадан байроқ, ногора, чортуғ ва бурғу берсинлар».

Амир Темур қўшинида зарур жанговар кайфият, ғалабага ишонч руҳини ўйғотиш учун вақти-вақтида ҳар хил мусобақалар, томошалар, намоишлар ўтказиб турган. Бундай йигинларда навкарларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлиги синовдан ўтган. Нега деганда, навкарлар мунтазам равишида жанговар кураш усулларини ўзлаштириб боришган. Махсус таёклар, гурзилар, занжирлар, аргамчилар билан олишув, майдонда ва отлар устида кураш, муштлашув, сакраб тепиш, чил бериш, калла уриш, қўлларни қайриши каби юзлаб усуллар ишлатилган. Мана шундай беллашув ва мусобақалardaғо лиғи чиққанлар баҳодирлик унвони ва юксак мартабаларга эга бўлишган.

Соҳибқирон ҳатто кўплаб хофизу донишлар иштирок этадиган мутасавифларнинг зикридан ҳам фойдаланган экан. «Темурнома»да ёзилишича, Амир Темур Рум сипоҳларига қарши жанг қилишдан олдин 40 минглик лашкарларини саф-саф ва тоифа-тоифа қилиб назаридан ўтказади. Унинг ҳукмига кўра, қирқ минг карнай, ногора, болобон келтирадилар. Овчиларга қирқ минг қалдирғоч тутиб келтиришни буюради. Уларни қафасларга солиб, сув билан дон бериб тайёрлаб қўйишиди. Шундан сўнг «тўрт минг ҳофизи хушхон»ни бошлаб келадилар. Кечқурун хушхон ҳофизлар бошчилигига сипоҳлар зикр айтишини бошлаб юборадилар. Қалдирғочларни қафаслардан бўшатиб учиршиди, улар кўк юзини

тўсиб олишади. Минглаб машъаллар ёқилади. «Тўрт тарафдин байроқларни жилвага келтуруб, такбир айтиб, ҳофизлар марсия ўқуб, румийларга қарши бора бошлади». Бундан еру кўк ларзага келиб, Рум ҳалқининг кўнгилларига ғулгула солади. Майдондаги мухолиф аскарлар қоча бошлади.

Буюк соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганар эканмиз, унинг жисмоний жиҳатдан жуда бақувват бўлғанлигига гувоҳ бўламиз. Хусусан, «Темурнома»да Амир Темурнинг бир қанча баҳодирлар билан куч синашгани ҳақида маълумотлар бор. Шулардан иккитасини келтириб ўтсак. Бири шуки, соҳибқирон Ҳиротни фатҳ қилгандан сўнг унинг олдига савдогарлар келиб Қандаҳор амири Баҳодурхондан шикоят қилишади. Амир Темур савдогар қиёфасида беш юз навжувон жангчни ўшандай кийнтириб, бир сурув от билан Қандаҳор яқинига бориб жойлашади. Баҳодурхон уларни хузурига тақлиф қилиб, филни кўтариб, майдонни айланиб кучни кўрсатади. Соҳибқирон филни кўтартганича майдонни етти марта айланади. Баҳодурхонга алам қилиб, Амир Темурни яккама-якка курашга чорлади. Эртадан кечгача талашадилар, охири соҳибқирон пирларидан мадад тилаб рақибини ерга уради. Иккинчи мисол: Амир Темурнинг Қилич Арслон исмли баҳодир билан олишуви ҳақида. Воқеа Тус шахри яқинида бўлиб ўтган. Улар аввалида найза, сўнг қилич билан курашадилар. Қилич Арслоннинг оти йиқилиб, бўйни синади. Сўнгра улар бел олишади. Амир Темур голиб чиқади. Шундан кейин соҳибқирон Қилич Арслонга сарпо кийдириб, ўз баҳодирлари қаторига қўшади.

Маълумки, соҳибқирон Амир Темур замонида миллий курашга алоҳида эътибор берилган. Маммакатнинг турли худудларидан махсус кураш майдончалари барпо этилган. Чунончи, Амир Темурнинг Ҳиндистондан келган невараси Пирмуҳаммад ҳузурида икки полвон кураш тушган экан. «Калта енгизсиз чарм ятказ кийган икки киши кураш тушшиб, – деб ёзди Клавихо, – бир-бирини йиқита олмасди. Пирмуҳаммад курашда икки қилишади, албатта, йиқитиши керак, деди. Ниҳоят, улардан бири иккинчисини йиқитиб, туршига йўл қўймай узоқ вақт бошиб туради».

Амир Темур даврида расм бўлган миллий кураш амалда қўлланилиши, вазифаси, тартиби ва шаклига кўра, уч хилга ажратилган: жанговар, мусобақа ва томоша курашлари. Булар орасида жанговар кураш алоҳида аҳамият касб этган. Курашнинг ушбу тури асосан, ҳарбий аскарлар, хос сипоҳлар ўртасида жорий этилган. Қўмондонлар ўзларига тегишли навкарларни мунтазам равишида жисмоний чиниқтириб, бўлажак жангларга ўргатиб борган. Курашнинг бу турида жангчиларга майдонда рақибининг бўйини, белини, қўлини, оёгини қайриш, бураш, синдириш, қуролсиз оёқ билан сакраб тепиш ва қўл билан муштлашиш сирлари биринчи галда қаттиқўллик билан ўргатилган.

Хуллас, соҳибқирон Амир Темур даврида юксак даражада ривожланган ҳарбийлик фаолияти билан боғлиқ үйинлар тизимидан бугунги кунда ёш авлодни жисмонан бақувват ва маънан етук шахслар сифатида вояж атказиши, уларда миллий қадриятларимизга чинакам мұхаббат түйгусини шакллантириш, фидойиллик, шижаатлилик каби фазилатлар ҳамда қатъий ҳаётий позицияни мустаҳкамлашда кенг фойдаланиш мұхим аҳамият касб этади.

**Бобур НЕГМАТОВ,
Қоролли Кучлар
академиясы доценти,
фалсафа фанлари номзоди**

ЮРТГА КАМАРБАСТА, ЭЛГА ДАСТЁР

Мудофаа вазирлиги тиббий таъминот бошқармаси бошлиғи тиббий хизмат полковниги Носиржон Фозилов бошчилигига Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг малакали ҳарбий шифокорлари Тошкент вилояти бўйлаб сайёр тиббий текширувлар ташкил этди.



Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, одамларнинг тиббий маданиятини юксалтириш ва беморлар дардига малҳам бўлиб, уларнинг жамиятдаги қадрини улуғлаш давлатимиз белгилаб олган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Натижада, эндиликда хасталикка чалинган беморларнинг худудга яқин шаҳарлар ёки пойттахтга бориб, тиббий кўриқдан ўтиши ва даволанишига ҳожат қолмаяпти.

Бу жараёнда соғлиғидан шикоят қилаётган беморлар жойида бепул сифатли тиббий кўриқдан ўтказилиб,

тиббий ёрдамга муҳтоҗлик даражаси аниқланди. Юқори тиббий амалиёт талаб этиладиган мурожаатчиларга шу ернинг ўзида имтиёзли даволаниш учун йўлланмалар расмийлаштириб берилди. Туманлар кесимида ташкил этилган сайёр тиббий кўриқ худуд аҳолисининг соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Маълумки, Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бугун замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Госпиталь жамоаси ҳам юқори малакали, ўз ишининг устаси бўлган қўли енгил

ҳарбий шифокорлардан ташкил топган. Бу эса сайёр тиббий қабулга келган аҳоли учун қўл келди. Турли хил касаллик ва соғлиғидаги муаммоси билан мурожаат қилган фуқаролар малакали ҳарбий шифокорлардан маслаҳатлар олишибди. Замонавий тиббиёт ускунларида ўз саломатлигини текширувдан ўтказиб олди.

Тиббий кўриқлар чоғида касаллик аниқланган беморларга тегишли шифохоналарга йўлланмалар берилди. Даволаниш ва касаллар профилактикаси юзасидан маслаҳат ва тавсиялар билдирилди. Шунингдек, чуқур тиббий текширув талаб этилган

беморлар Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталига олиб келиниб, муолажалар қилинди. Кечиктириб бўлмайдиган операциялар шу ернинг ўзида амалга оширилди. Албатта, бу каби хайрли ишлар халқ ва армия бир тану бир жон эканлигининг яққол исботидир. Қолаверса, Ватан химоячилари юртошларимизнинг нафқат тинчлик-хотиржамлиги, балки саломатлиги учун ҳам ўзларида улкан масъулият ҳис этаётганидан далолат.

Катта лейтенант
Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»

SANA

ҲАРБИЙ ҚИСМ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КУН НИШОНЛАНИ

Марказий ҳарбий округга қарашли Жиззах гаризонидаги ҳарбий қисм бундан 25 йил муқаддам ташкил этилган бўлиб, ўтган давр мобайнида жуда кўплаб ўғлонларни мard ва жасур қилиб тарбиялаш билан бирга, Ватани ва халқига содик ўғлон сифатида вояга етказди.

ҳарбий қисм йигитлари эди. Қолаверса, мазкур ҳарбий қисм шахсий таркиби Қуроли Кучлар миқёсида ўтказилиб келинаётган умумармия ўйинлари ҳамда Халқаро армия ўйинларида муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни кўлга киритиб келмоқда. Марказий ҳарбий округнинг Қуроли Кучлар Олий Бosh Қўмондони ташаббуси билан таъсис этилган «Амир Темур жанговар байроби»ни кўлга киритишида ҳам ушбу ҳарбий қисмнинг муносиб ҳиссаси бор.

Жорий йилда биз сўз юритаётган ҳарбий қисм ташкил этилганига 25 йил тўлди. Сана муносаба-

тинчлиги ва осойишталиги йўлида жонфидо этган ўғлонлар хотираси ёд этилиб, уларнинг монументи пойига гулчамбарлар қўйилди. Мард ва жасур ўғлонлар жасорати ўш ҳарбий хизматчилар учун намуна сифатида кўрсатилди.

Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, Бахмал тумани ҳокимлиги ва ташриф буюрган меҳмонлар ҳарбий қисм шахсий таркибини ушбу қутлуғ сана билан табриклаб, юрт посбонларининг келгуси фаолиятида улкан зафарлар тилади. Сўзга чиқсанлар миллий армиямиз сафларида ўз ўрнига эга бўлган ушбу ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари узоқ йиллар давомида турли тактик-ўқув машғулотларида, умумармия ўйинларида, қолаверса, халқаро мусобақаларда фаол иштирок этиб, Ўзбекистон байроби баланд кўтарилишига муносиб хисса қўшиб келаётганини эътироф этди. Жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик борасида ҳарбий округ, вазирлик ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муайян ютуқларга эришган бир гурух ҳарбий хизматчилар навбатдаги ҳарбий унвон, эсадалик нишонлари ва қимматбаҳо совфалар билан тақдирланди.

Тантанали тадбирнинг бадиий қисмида намойиш этилган қўл жангчи чиқишлиари ва концерт дастури ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳамда меҳмонларга ҳақиқий байрамона кайфият улашди.

Марказий ҳарбий округ
матбуот хизмати



Хусусан, 2000-йилларда Сурхондарё вилояти Сариосиё ва Узун туманларининг тогли худудларида кеч-

ган қуролли тўқнашувларда террорчиларга қарши мардонавор курашган юрт химоячилари ҳам айнан мана шу

ти билан тантанали тадбир ўтказилди. Дастреб ҳарбий қисмда ташкил этилган Хотира хиёбонида Ватанимиз

ҚУРБОН БОБОНИНГ АСКАР НАБИРАСИ

Аскарлар даврасидаги сұхбат ҳар гал құнгилли кечади. Орзуси құксіда түлиб-тошган навқирон йигитларнинг хизматдаги ютуқлари, ҳар бирининг үзига хос мақсад вәрежалари дилингизни равшан қиласы. Юрт истиқболи қадди баланд, мақсади теран фарзандлар құлида эканидан қувонасиз, құнглингиз хотиржам тортади.

Аждодлардан фахрланиш ҳар бири мизнинг қонимиздан бор. Йигитлар билан сұхбат давомида муддатли ҳарбий хизматчи, оддий аскар Жасурбек Тошевнинг бобоси ҳақидаги хикояси барчанинг эътиборини тортади. Келажақда офицер бўлиши максад қилган Жасурбекнинг құксіда муҳрланган ватанпарварлик түйғуси бежиз эмаслигини ҳис қилдим. Келинг, фикримиз исботи учун унинг бобоси Қурбон ота Тошев ҳақида қисқача сўз юритамиз.

ҚУРБОН ОТАНИНГ ҚИРУВЧИ САМОЛЁТИ

Сурхондарёнинг Узун туманиндағы Дуоба қышлоғи. Қурбон ота-онасидан жуда ёш етим қолди. Тўққиз ёшга тўлмаган болакай, қорин тўйдирish учун хонадонларда хизмат қилди, мол боқди, ўтин терди. Қишлоқ кунлари ётар жойи тандир ичи бўлди.

Колхозлаштириш даври бошланганида у ўн етти ёш эди. Колхоз даласида ишлаш баробарида, билимга чанқоқ ўсмири хат-савод чиқарди. Ғайратли йигитдаги шижаот уни бригада бошлиғи бўлишига замин яратди. Қурбон бор билим ва ғайратини ишга солди. Ғаллачилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи ҳўжалик юқори

натижаларга эришди. Орадан икки йил ўтиб, Қурбон Тошев колхоз раиси этиб тайинланди. Чорвачиликка ихтисослашган колхоз раиси Қурбон ака эришган ютуқлари учун 1939 йили Бутуниттифоқ ҳалқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасининг нуфузли мукофоти билан тақдирланди.

1941 йилнинг ёзида Иккинчи жаҳон уруши бонг урди. Жанггоҳга отланишга шай турган Қурбон акаға фронт ортида қолиб, колхоз раиси сифатида жангчиларни озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлаш мажбурияти юклатилди. Мехнатга кучи етадиган эркак зоти борки, урушга юборилди. Далада тер тўқадиганлар асосан аёллар ва болалар. Аммо талаб юқори ва уни бажариш шарт. У ўзининг меҳнаткаш, фидойи ва ташкилотчилигини намоён этди. Ҳосил мўл бўлиши, чорва ривожланиши учун кунларни тунга улади. Ахир неча минглаб жангчилар фашистларга қарши жанггоҳларда қон кечяпти. Уларни кўллаб-қувватлаш учун фронт ортидан юборилган кийим-кечак, дори-дармон, озиқ-овқат махсулотларининг катта ўрни бор.

Қурбон ака колхоз раиси сифатида фронт учун нафақат махсулот етказиб бериб турди, балки 1943 йили Йўлдош

Охунбоев раҳбарлигига маҳсулотлар ортилган Ўзбекистон поездиде Сариосиёдан вакил бўлиб фронтга йўл олди. Жанггоҳдаги кўрган-кечиргандар, юртдошларимизнинг мислсиз

қаҳрамонликлари

Қурбон акаға

қаттиқ таъсир

қилди. У юртга

қайтгач, уйидаги бор

бисотини сотиб, 150 минг сўм

пулни қиравчи самолёт сотиб

олиш учун давлатга топшириди.

Кўп ўтмай, мамлакат бош

қўмондонлигидан хат келди.

Унда Қурбон Тошев юборган

пулга 0037809-рақамли қиравчи

самолёт олингани, у душманга

катта талафот етказаётгани

қайд этилиб, мамнуният билан

раҳматнома билдирилган эди.

Кўкси орден ва медалларга

тўла фронт орти қаҳрамони

Қурбон ота Тошев умрининг

охиригача эл-юртим деб бедор

яшади.

* * *

– Бобомни кўрмаганман, аммо улар билан боғлиқ жуда кўп воқеаларни эшигтанман, – Жасурбек бобоси ҳақида тўлиб-тошиб гапирап экан, аждодларга муносиб авлод бўлишга интилиши сўзида акс этиб турарди.

– Халқ эъзозлаган, ҳурмат қилган инсоннинг набираси эканимдан доим фахрланаман. Отам Мингбобо Тошев ва онам Хонбиби ҳам зиёлилар қаторида доим юрт хизматида. Албатта, уларга муносиб фарзанд бўлишни истайман. Менинг мақсадим хизматдан сўнг олий ҳарбий таълим муассасасида

таҳсил олиб,
офицерлар сафида

Ватан ҳимоячиси бўлиш.

Шу сабаб муддатли ҳарбий хизматга муносиб топилганим орзулариминг илк қадами десам, хато бўлмайди. Айни дамда мен ва сафдошларим мослашув жараёнини ортда қолдириб, бурчимизни аъло даражада уташга бел боғлаганмиз.

Оддий аскар Жасурбек Тошев болалигидан бобоси Қурбон ота каби иродали, синовларга тик бокадиган, ортга чекинмас инсон бўлишига ҳаракат қилгани аниқ. У ўкувчилик даврида спортнинг кўл жанги билан шугулланиб, вилоят ва республика мусобақаларида юқори ўринларни қўлга киритгани ҳам фикримиз далилидир. Офицер бўлиши максад қилгани эса фидойилар сафида фидойи бўлишга жазм этганидир.

Истагимиз, фарзандларимиз нафақат улуғ аждодларга муносиб, балки ўзлари ҳам келажақда буюк ишларга қодир бўлсинки, авлодлари ҳақли равиша улар билан фахрлансин!

**Зулфия ЮНОСОВА,
«Vatanparvar»**

HAYOT GULTOJI

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИМИЗ!

Ватанимиз тинчлиги ва осойиштаги таъминлаш йўлида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида бир қатор эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Зеро ҳарбий оилалар жамиятимизда катта нуфузга эга. Улар ватанпарвар оила тимсоли саналади. Уларнинг фарзандлари ҳам ота-онасига муносиб тарбия топиши, бошқаларга ўрнак бўлиши керак.

Юртимизда хукм суроётган тинчлик ва бағрикенгликни, миллатлараро тутувликни кўз қорачиғидек асраш, таҳликали

замонда доим ҳушёр, огоҳ ҳамда сезир бўлиб яшаш, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини зарарли

таъсирлардан ҳимоялаш ҳозирги кунда долзарб ҳамда мухим вазифага айланаштаганлигини унумаслигимиз лозим. Фарзандларимиз тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилиган юртимизда маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, тури кўринишдаги хуружларнинг олдини олишга жиддий эътибор қаратиш ҳар бир ота-онасига вазифаси ва ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўмондонлиги томонидан «Ёшлар ойлиги»да ҳарбий оилаларда маънавий мухитни қарор топтириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, ҳар томонлама замонавий ҳарбий оилани шакллантириш, ёш авлодни камолга етказиш, ёзги таътил даврини юксак савияда, мароқли ва унумли ўтказиш, шунинг билан бир қаторда болалар спортини ривожлантириш мақсадида турли маънавий-маърифий тадбирлар

амалга оширилмоқда. Жумладан, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округнинг барча ҳарбий қисм ва муассасаларида «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!» шиори остида ўтказилган «Отам, онам ва мен спортчи оиламиз!» спорт тадбирлари фикримиз далилидир. Тадбирларда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳамжиҳатлика беллашдилар. Таъкидлаш жоизки, ушбу спорт мусобақалари том маънода, оталар, оналар ва болалар байрамига айланиб, барчага кўтарикин кайфият ва қувонч баҳш этди.

Бу каби тадбирлар ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини оммавий равиша спортга жалб этишга ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга хизмат қиласи.

Зеро соғлом ҳарбий оила Қуролли Кучлар таянчидир.

Тамара МАМАНОВА



QUTLUG' SANA NISHONLANDI

Sharqiy harbiy okrug qo'shinlarida harbiy qismlarning tashkil etilgan kuniga bag'ishlangan tantanali tadbirlar o'tkazildi.



Qo'qon shahridagi harbiy qism tashkil etilgan kun munosabati bilan o'tkazilgan tadbirda mudofaa vazirining o'rinnbosari polkovnik Qodirjon Tursunov, Sharqiy harbiy okrug qo'shinlari qo'mondonligi, Qo'qon shahri hokimi, mazkur harbiy qismda xizmat o'tagan va hozirgi kunda nafaqada bo'lgan faxriy harbiy xizmatchilar ishtirot etdi.

Tadbir avvalida mudofaa vazirining harbiy xizmatchilarga yo'llagan tabrigi o'qib eshittirildi. Qutlug' sana munosabati bilan yurt posbonlarining kelgusi xizmat faoliyatiga ulkan zafarlar va ezgu tilaklar bildirildi. Shuningdek, jangovar va ma'naviy-ma'rifiy tayyorgarlik borasida, Mudofaa vazirligi hamda xalqaro miqyosdagi musobaqalarda yutuqlarga erishgan bir guruh harbiy

xizmatchilar navbatdagi harbiy unvon, qimmatbaho va esdalik sovg'alar bilan taqdirlandi.

Harbiy qismda qad rostlagan xotira maydonida tadbir ishtiropchilari tomonidan yurtimiz himoyasi yo'lida jonini fido qilgan mard o'g'lonlarga ehtirom ko'rsatilib, gulchambarlar qo'yildi.

Andijon va Namangan garnizonlaridagi harbiy qismlarda o'tkazilgan bayram tantanalarida ham harbiy qism harbiy xizmatchilari erishayotgan yutuqlar e'tirof etilib, shaxsiy tarkib munosib rag'batlantirildi.

Sharqiy harbiy okrug matbuot xizmati

"JASORAT MAKTABLE" DA UCHRASHUV

Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrug Termiz garnizonida joylashgan harbiy qismlarning birida tashkil etilgan "Jasorat maktabi" da tarbiyalanayotgan yoshlar bilan uchrashuv o'tkazildi.



Ochiq va samimiy ruhda kechgan uchrashuvda yigitlar o'zlarini qiziqtirgan savollarga Termiz harbiy prokurori adliya polkovnigi Sherzod Mirzayevdan batafsil javob oldi. Tadbirda Qurolli Kuchlarimizda amalga oshirilayotgan islohotlar, milliy armiyamiz saflarini har tomonloma yetuk, jangovar shayligi yuqori, professional harbiy kadrlar bilan butlashga qaratilgan choratadbirlar yuzasidan ma'lumotlar berildi.

Umuman olganda, yoshlar mazkur o'quv yig'inida yaratilgan sharoit va imkoniyatlarga javoban yurt tinchligi hamda ravnaqi yo'lida daxldorligini oshirib, mashg'ulotlarni mukammal egallahsga hamda mustaqil hayotga dadil qadam tashlashga o'rganyapti.

Shu kuni Termiz garnizonida joylashgan harbiy qismda "Milliy armiyamiz Yangi O'zbekistonning mustahkam qalqoniidir!" shiori ostida ochiq eshkilar kuni bo'lib o'tdi. Unda Termiz shahrida joylashgan

umumta'lil maktablari hamda mahalla fuqarolar yig'inlaridagi yoshlar qamrab olindi. Dastlab yoshlar tantanali kutib olinib, ularga harbiy qism saf maydonida vatanparvarlik soati o'tildi. Kelajakda harbiy bo'lishni maqsad qilgan yoshlarga respublikamizdagil olyi harbiy bilim yurtlari haqida ma'lumotlar yetkazildi.

Shundan so'ng mehmonlar harbiy qismda yaratilgan sharoitlar, zamonaviy texnika va qurol-yarog'lar, harbiy qism tarix muzeysi va kutubxonasi faoliyati bilan yaqindan tanishdi. Kun davomida esa harbiy xizmatchilar va yoshlar ishtiropkida sport o'yinlari hamda "Team-building" musobaqasi bo'lib o'tdi. Tadbirlarda faol ishtirop etgan bir guruh yoshlar qo'mondonlik tomonidan munosib taqdirlandi.

III darajali serjant Akbar AHMEDOV
Termiz garnizoni

ZAVOD XODIMLARI KO'RICKDAN O'TKAZILDI

Chirchiq shahridagi Zirhli texnikalarni ta'mirlash zavodi xodimlari Mudofaa vazirligi Markaziy harbiy klinik gospitali mutaxassislari tomonidan chuqurlashtirilgan tibbiy ko'rikdan o'tkazildi.



Unda shifokorlar tomonidan Qurolli Kuchlar xizmatchilarining salomatligi ko'zdan kechirilib, mehnat muhofazasi me'yordi, texnika xavfsizligi qoidalariga qat'iy rioya qilish, kasb kasalliklarining oldini olish yuzasidan zarur tibbiy maslahat va tavsiyalar berildi.

Mudofaa vazirligi Markaziy harbiy klinik gospitali ambulator poliklinika markazi ichki kasalliklar bo'limi boshlig'i tibbiy xizmat podpolkovnigi Sobitjon Doniyorovning ta'kidlashicha, ikki kun davomida okulist, terapevt, lor, xirurg, nevropatolog, dermatovenerolog singari tor mutaxassislar zavod xodimlariga tibbiy xizmat ko'rsatishdi. Barcha xodimlardan

laboratoriya bo'limida qon tahlillari olinib, zamonaviy EKG, ultratovush apparatida tekshiruvdan o'tkazildi. Ayrim xodimlarga gospitalda davolanish uchun imtiyozli yo'llanma berishga qaror qilindi.

– Avval ancha olsiga borib, tibbiy ko'rikdan o'tishga majbur bo'lar edik, – deydi Zirhli texnikalarni ta'mirlash zavodi kran operatori Luiza Ro'zbekova. – Shifokorlar kelib, bizga shunchalik g'amxo'lik qilgan holda laborator tekshiruv natijalari asosida tibbiy maslahatlar berayotganidan minnatdormiz.

Dilshod RO'ZIQULOV,
"Vatanparvar"

MUTAXASSISLIK SERTIFIKATLARI TOPSHIRILDI

Qoraqalpog'iston Respublikasi mudofaa ishlari boshqarmasi huzuridagi Chaqiriluvchilarni harbiy-texnik mutaxassisliklar bo'yicha tayyorlash markazida joriy yil hisobidan birinchi bitiruv marosimi bo'lib o'tdi.



Mazkur markazda belgilangan muddat davomida tahsil olgan 40 nafar yoshga harbiy-texnik mutaxassisligi bo'yicha sertifikatlar topshirildi.

Qoraqalpog'iston Respublikasi mudofaa ishlari boshqarmasi huzuridagi Chaqiriluvchilarni harbiy-texnik mutaxassisliklar bo'yicha tayyorlash markazi o'z faoliyatini 2019-yildan boshlab bugungi kunga qadar 400 nafarga yaqin mutaxassisni Qurolli Kuchlar safiga yetkazib berdi.

Markaz armiya uchun "B" va "C" toifasidagi yengil va og'ir harbiy avtomobilarni boshqaradigan haydovchilar, dizelchi-elektrik va oshpazlarni yetishtiribgina qolmay, yoshlarni ma'naviy-axloqiy hamda harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalab keladi. Ushbu o'quv maskanida ta'lim olayotgan kursantlarning oziq-ovqat, kiyim-kechak va maishiy ta'minoti davlat byudjeti tomonidan qoplanadi. Har yili markaz 110 nafar qoraqalpog'istonlik yoshni kasbga o'qitadi hamda armiya saflariga ketish uchun tayyorlab beradi. O'qish muddati uch oy bo'lib, unda aniq, ijtimoiy-gumanitar,

texnik hamda boshqa fanlar bilan bir qatorda dastlabki harbiy tayyorgarlik ham o'qitiladi. Demakki, bu yerni tamomlagan yoshlar harbiycha hayot tarziga anchagini ko'nikib, armiya saflariga yo'l olishadi.

Markazda tahsil olish uchun nomzodlar tuman, shahar mudofaa ishlari boshqarmasiga murojaat etishi hamda belgilangan saralash bosqichlaridan o'tishi kerak bo'ladi. Eng sara yigitlar ushbu ta'lim muassasalariga o'qishga qabul qilinadi.

Bitiruv marosimida harbiy xizmatchilar hamda bitiruvchilarning yaqinlari ishtirot etdi. Marosimda harbiy xizmatga qadar tayyorlov kurslarini o'tagan hamda mutaxassislikka ega bo'lgan yoshlarga tegishli sertifikatlar tantanali tarzda topshirildi. Nukus garnizoni harbiy orkestri, harbiy qism faxriy qorovul vzvodi hamda markaz bitiruvchilari tomonidan tayyorlangan ko'rgazmali chiqishlar barchaga bayramona kayfiyat bag'ishladi.

Shimoli-g'arbiy harbiy okrug matbuot xizmati

ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Сайлов жараёни сайлов кампаниясими эълон қилиш, сайлов комиссияларини тузиш, номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш ва сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ бир қатор босқичлардан иборат бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур руҳни остида берилаётган мақолалар сайлов билан боғлиқ масалаларни осон ва асослантирилган тарзда тушунишингизга ёрдам беради, деган умиддамиз.

ОВОЗ БЕРИШ БОШЛАНГАННИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

Участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш бошланганини эълон қилади.

Стационар ва кўчма сайлов қутилари, пластмасса пломбаларнинг тайёрлигини текширади.

Участка сайлов комиссияси раиси комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутиларининг бўшлигини текширади ва уларни бир маротаба ишлатиладиган пластмасса пломбалар билан пломбалайди.

Участка сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари ёки котиби томонидан овоз бериш бошланганини ҳақида алоқа воситалари орқали округ сайлов комиссиясига хабар берилади.

Сайловчиларга тақдим этилган сайлов бюллетенлари сонининг ҳисоби ҳар соатда юритиб борилади.

Участка сайлов комиссияси раиси овоз беришни ташкил этиш ва ўтказишни мувофиқлаштириб боради ҳамда назорат қилади, зарурат бўлганда комиссия аъзоларига ёрдам кўрсатади, улар вақтинчалик йўқ бўлган ҳолларда уларни бошқа аъзолар билан алмаштиради.

Участка сайлов комиссияси участкадаги рўйхат бўйича овоз беришда иштирок этувчи ҳар бир сайловчига бир донадан ортиқ сайлов бюллетени берилмаслигини таъминлайди. Ортиқча сайлов бюллетени беришга йўл қўйилмайди. Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра, янгисига алмаштириб берилганлиги бундан мустасно.

Участка сайлов комиссияси раиси ёки ўринбосари ёхуд аъзоси сайловчиларнинг сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлашини назорат қилиб боради. Башарти **сайловчи бюллетенни қутига ташламай ўзи билан олиб кетмоқчи бўлса, уни албатта, қутига ташлаш зарурлигини тушунтиради** ва қутига ташлашандан сўнггина бинони тарк этишини таъминлайди. Шунингдек, сайловчи ўрнига у билан ҳамроҳлик қилиб бирга келган сайлов ёшига етмаган фарзанди томони-

дан сайлов бюллетенини қутига ташлашига йўл қўйилмайди.

САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ЭРКИН ВА ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

Овоз бериш сайлов куни соат 8:00 дан 20:00 гача ўтказилади.

Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссияси аъзосига ўз шахсни тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади (паспорт, ID-карта, ҳарбий гувоҳнома, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, фуқаролик паспортини йўқотган фуқароларга ички ишлар органлари томонидан берилган вақтинчалик маълумотнома, жазони ўтаб бўлганлик ёки жазодан озод қилинганлик тўғрисидаги маълумотнома) ҳамда **сайловчилар рўйхатига имзо қўяди**. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Сайлов бюллетенини мустақил равиша тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз ҳоҳишига кўра, яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига бошқа шахсни таклиф қилишга ҳақли, бундан сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслар, кузатувчilar ва оммавий ахборот воситалари вакиллари мустасно.

Сайловчи ўзи ёқлаб овоз берәётган номзоднинг фамилияси рўпарасига, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «√» ёхуд «x» белгисини қўяди.

Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра, янгисига алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, овозларни санаб чиқиш жараёнида бекор қилиниши (**юқори чап бурчагини кесиш ёки сайлов бюллетенининг орқа томонига тегишли белги қўйиш йўли билан**) ва алоҳида сақланиши лозим.

Овоз бериш вақтида участка сайлов комиссияси биносида ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслардан ташқари бошқа



ШАХСЛARНИНГ БЎЛИШИГА РУХСАТ ЭТИЛМАЙДИ.

Бинода ушбу зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссиясининг зиммасида бўлади.

Участка сайлов комиссияси биносида ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслар (сайловчилардан ташқари) тегишли комиссиялар томонидан берилган мақомини тасдиқловчи мандат (гувоҳномаси)ни бошқаларга кўринадиган ҳолда тақсан бўлишлари шарт.

Участка сайлов комиссияси овоз бериб бўлган сайловчини бинодан чиқариб юбориш чораларини кўради.

Участка сайлов комиссияси раиси овоз бериш биносида тинчлик сақланиши ва тартибга риоя қилинишини таъминлаш, овоз бериш ва уларни санаб чиқишида ноқонуний тўскинликлар вужудга келганида ички ишлар органи ёки Миллий гвардия ходимларига мурожаат қилиши мумкин. Бунда ички ишлар органи ёки Миллий гвардия ходимлари зудлик билан воқеа жойига этиб келишлари лозим.

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ТУРГАН ЖОЙИДА ОВОЗ БЕРИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

Айрим сайловчилар **соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра, овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда**, тегишли участка сайлов комиссияси овоз беришни ушбу сайловчиларнинг **сайлов куни ёки сайлов кунига қадар қилган ёзма ёки оғзаки илтимосига биноан, улар турган жойда ташкил этади**.

Бунда участка сайлов комиссияси аъзоси **мурожаатлар қайдлов дафтарига сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, мурожаат қилинган вақт ҳақида тегишли ёзув киритади** ва ушбу маълумотлар участка сайлов комиссияси аъзосининг имзоси билан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияси томонидан сайловчи турган жойда овоз беришни ташкил этиш сайлов кунидаги иш ҳажми ва вазиятдан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

Участка сайлов комиссиясининг **камиди икки нафар аъзоси кўчма сайлов қутиси билан сайловчининг турган жойига юборилади, улар сайловчининг ҳоҳиш-иродаси сир сақланишига риоя этилган ҳолда**, овоз бериш амалга оширилишини таъминлайди. Бунда кузатувчilar ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлиши мумкин.

Участка сайлов комиссияси аъзоси бошқа шахс учун овоз бермоқчи бўлган сайловчига сайлов бюллетенини бериши тақиқланади.

Участка сайлов комиссияси раиси ёки раис ўринбосари соат 20:00 да **овоз бериш тугаганлигини** комиссиянинг барча аъзолари, кузатувчilar ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозирлигига эълон қилади.

Сайлов участкаси биносида ҳозир бўлган сайловчиларга овоз бериш учун имконият берилади (агар сайловчилар бор бўлса).

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган худудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларида рўйхатга киритилган барча фуқаролар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси овоз бериш тугаганлигини исталган вақтда эълон қилиши мумкин.

Сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан сайлов қутиларида мавжуд бўлган сайлов бюллетенлари бўйича амалга оширилади. Сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш фақатгина овоз бериш биносида ўтказилади.

**Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва мафкуравий
ишлар бош бошқармаси**

ОЗОДЛИК ФРОНТИДАГЫ ЖАДИДЛАР

Жадидлар. Бу сүз ҳар қандай миллат фидойиси қалбини бир сескантариши табиий. Чунки бу улуғ мақомга сазовор бўлган қаҳрамонларнинг аксари ўзининг аччиқ қисматини қаҳрамонларча қарши олган. Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий бошчилигидаги ўнлаб маърифатпарварларнинг фаолияти бизга қанчалик аён бўлса, бу фронтда ном-нишонсиз жанг қилган яна юзлаб эрк ошиқлари бор эдики, уларнинг номи кўпчиликка номаълумлигича қолиб келаётган эди.

Ўтган йиллар давомида бир неча маротаба ўтказилган очиқ суд мажлисида аёвсиз жангларда иштирок этиб, қатағон қилинган яна юзлаб ватандошимизга нисбатан оқлов ҳукми эълон қилинди.

Ишларни қайта кўриш жараёнида юртдошларимизга қўлланган аксар айбловлар ҳеч бир исботсиз бўлишига қарамай, тоталитар тузум жазо органлари томонидан ноҳақ ҳукмлар чиқарилгани аниқланди. Уларнинг аксари йирик диний уламолар, билимдан қозилар, таникли савдогарлар, ҳоким ва беклар, турли даражадаги ҳарбий мулозимлардан иборат эди. Хўш, бу инсонларнинг шўро мамлакати олдидаги асл айби нима? Ҳа, уларнинг бор-йўқ айби ўз Ватанини, дини ва миллиатни севгани, давлати олдидаги бурчига, қасамёдига содиклиги, аждодлари томонидан асрлар давомида кўз қорачигидек асрлар келинган қадриятларга нисбатан большевикларнинг варварларча муносабати эди. Қуйида шараф билан оқланган фидойи миллатдошларимизнинг айримлари фаолияти ҳақида ҳикоя қиласиз.



**НОСИРБЕК ТЎҚСАБО
АБДУРАХИМОВ**

Носирбек 1890 йил Бухоро шаҳрининг Оқмачит гузарида Занданада амлакдори, аввал Кавали ҳудуди ҳокими бўлган Абдурахимбий хонадонида дунёга келган. Эски мактаб ва мадраса таълимими олгач, Носирбек амир қўшинида қоровулбеги лавозимида иш бошлайди. 1913 йил отасининг вафотидан сўнг мирохўр унвони билан амир саройига хизматга олинади. 1916 йил тўқсабо (полковник) лавозимида Бухоро шаҳар мудофааси бўлимида хизмат қиласи. 1918 йил Колесов ҳужуми, 1920 йил августида қизил армияга қарши жангларда ўз йигитлари билан мардонавор кураш олиб борди. Бироқ душманнинг замонавий қуролларига қарши амир қўшини дош бера олмади. Натижада амир

додхолари махфий тарзда бир гурух ҳарбийларга амирни безиён жанг майдонидан олиб, Шарқий Бухорога элтиши, қолган қўшинга эса вақтдан ютиш учун душманни чалғитиш ва мудофаас жангларини олиб боришини, буоради.

Носир тўқсабо Абдураҳимов мана шу лашкар таркибида амирни соф омон Душанбе шаҳрига, ундан сўнг Афғонистон ҳудудигача олиб борадилар. Бироқ афғон ҳукумати большевиклар билан келишган ҳолда, аввалги ҳарбий ёрдам ваъдасини бажаришдан воз кечади. Аксинча, фақат амирнинг ўзининг саломатлигини кафолатлаб, унинг атрофидаги ҳарбий мулозимларни зудлик билан Афғонистон ҳудудини тарқ этишларини талаб қила бошлайди. Бухоро давлатига содик ҳарбийлар амирни шундай ҳолда ташлаб кетиш ҳавфли эканлигини англаш, атроф қишлоқларга турли номлар билан тарқалиб, қўним топишга ва керакли пайтда амир ҳимоясига чиқиша қарор қиласидар. Мазкур шароитда Носирбек тўқсабо Қобулдаги Растанг бозорига ўрнашиб, савдо ишлари билан шуғуллана бошлайди. Афғон ҳукумати амир Олимхоннинг ҳарбий мулозимларига нисбатан сиқувни кундан кунга ошириб боради. Уларни тутган заҳоти отиб ташлашгача бориб етдилар. Шундай пайтда амир Олимхон ўзининг ортидан келган барча ҳарбийларининг қасамёдини бекор қилиб, ким қаерни танласа кетаверсин деб қарор чиқарди.


Шундай бир шароитда Носирбек тўқсабо Дониёрбек, Абдужабборбек тўқсаболар билан маслаҳатлашиб, БХР ҳукуматининг умумий афв тўғрисидаги қарорига ишониб, 1923 йил Ватанга қайтишга қарор қиласидар. Файзула Хўжаев ҳукумати дастлаб уларнинг маълум мулкларини қайтариб ҳам беради. Бироқ Бухоро ҳукуматининг обрўсини тўкиб, ўзининг мавқеини оширишни истаган большевик ҳарбийлар уларнинг барчасини жисмонан йўқ қилишга кириши. Турли баҳоналар остида қамоққа олишни бошлаб юбордилар.

Носирбек тўқсабо Абдураҳимов 1925 йил 14 апрелда аксилиниқилобий фаолиятда айбланиб, қамоққа олинади. Қарийиб беш ойдан ортиқ давом этган жисмоний кийинқ ва таҳқиqlар остида ўтган терговлар вактида Носирбек ўзига қўйилган айбловларнинг бирортасини тан олмади. Шунга қарамай 1925 йил 4 сентябрь куни унга

ЎзССР ЖКнинг 61, 67, 69-моддаларини қўллаб, 3 йилга даҳшатли Саловең лагерига сургунга ҳукм қилинди. Носирбек тўқсабо Абдураҳимов 3 йил умрини Соловкада, яна 3 йилини Кустанадаги шўроларнинг машъум қийноқхоналарида ўтказди. У факат 1934 йилга келибина она шахри Бухорога қайтиб келишга муввафқа бўлди.

Носирбек Абдураҳимов бир муддат соғлигини тиклаб олгач, Бухородаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасига қоровул бўлиб ишга киради. Шу меҳмонхонада супурувчи бўлган Зайнаб Магомедова исмли аёлга уйланиб, унинг 7 ёшли қизига ота бўлиб, пешонасини силайди. Аммо гузарком, колхозчи қўренишидаги мальян НКВД хуфялари унинг ортидан бир зум қолмади. Унинг ҳар бир сўзи, кўз қараси ҳақида керакли идораларга тинмай етказиб туришди. Бу чақувларга ишонадиган бўлсан, Носирбек Абдураҳимов 1937 йил май ойида «Колхоз бозори» олдидаги чойхонада «... мана, йўқсиллар инқилоби натижасида нима ўзгарди, унга ишонган йўқсилларингнинг ҳаммаси бир-бир очидан ўляпти, шуми коммунизмларинг» деган, сентябрь ойида эса «...советларинг Бухори Шарифда на жой номларида, на бошқарувда ўзбек тилини умуман қолдирмаяпти-ку», деган эмиш. Албатта, у киши шунчалик азоб-уқубат тортганига қарамай, бу сўзларни айтган бўлиши ҳам мумкин. Чунки бир замонлар амирликнинг масъул амалдорларидан бўлган, «Ёш бухороликлар» партиясининг миллат, ҳалқ равнақи йўлидаги соф орзуларини қўллаб-кувватллаган Носирбек Ватанда кечаяётган бу тубанликларга асло бефарқ қараб тура олмас эди. Лекин унинг ишончига кириб, сўнг уни оқизмай-томизмай шўро идораларига етказиб турган мальунларнинг асл мақсадиу маънавий қиёфаси қандай бўлганлигини ҳеч қачон тушуна олмасам керак.

Абдураҳимов Носирбек 1937 йил 15 ноябрь куни Бухоро шахри, гузари Мирзо Мустафо 179-йдан яна қамоққа олинади. Ишдаги 24 ноябрь санаси билан тўлдирилган ягона сўроқ баённомасида Носирбек ўзига нисбатан айтилаётган барча айбловларни қуруқ тухмат эканлигини ёзиб имзолайди. Бироқ 1937 йил 25 ноябрь кунги айблов холосасида Носирбек Абдураҳимов «советлар бизни аллади, ҳаттоқи конституциясида ҳам диний эркинлик йўқ-ку», деб ёзилади. 1937 йил 28 ноябрь куни ЎзССР ИИХК ҳузуридаги машъум «учлик» йиғини унга ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси (аксилиниқилобий тарғиботи) кўллаб, 10 йилга меҳнат тузатиш лагерига (МТЛ) ҳукм қиласиди. Афсуски, Носирбек Абдураҳимовнинг кейинги тақдирни ҳамон бизга номаълум.



**РАҲМАТУЛЛОҲЎЖА
ДОДҲО НИЗОМИДДИН
ҚУШБЕГИ ЎГЛИ
(1873–1927)**

Рахматуллоҳўжा 30 йил давомида амир саройида дастлаб амир котиби, Зиёвуддин беги, сўнг Бухоро амири Қушбегиси лавозимларида ишлаган Низомиддинхўжा хонадонида дунёга келган. Рахматуллоҳўжা 12 ёшигача мактабда, сўнг мадрасада таҳсил олиб, амир саройига хизматга киради. 1918 йил амир Олимхон унга додҳо (генерал) унвонини бериб, Нуратога беклика тайинлайди. Рахматуллоҳўжা додҳо 2 йил Нуратода бўлиб, солик ишларига ҳам масъул бўлади. 1920 йил ёзида мамлакатга большевиклар ҳужуми туфайли урушга тайёрланиш ҳақида махфий бўйруқ олади. У ҳудуддаги ботир йигитлардан аскар жамлаб, шай бўлиб ҳукмни кутиб турди. Бироқ амирликнинг режаси ўхшамади. Бухородаги амир қўшини замонавий қуроллар билан қуролланган қизил армиянинг биринчи зарбасидаётқ мағлубиятга учради. Шу куннинг ўзида Нуратога уруш тугади, Амир қочиб кетди, деган хабар келади. Рахматуллоҳўжা Низомиддин Қушбеги ўғли қўшинини тарқатиб, ўзи Карманага, ундан Бухорога келади.

Ўн беш кун давомида вазиятни кузатиб, БХР ҳукумати раҳбари Файзула Хўжаевга алоқага чиқади. Файзула Хўжаев уни Бухоро шаҳрининг Эски шаҳар ижроқўмига ишга олади. Кўп ўтмай Раҳматуллоҳўжা БухЧК томонидан қамоққа олинади, 7 ой давомида ҳибса сақланади. Шундан сўнг Бухоро ҳукумати вакилларининг аралашуви билан қамоқдан озод қиласиди ва 1922 йилгача Бухоро шаҳрида, сўнг эса Қарши шаҳрига ушр комиссиясига бошлиқ этиб юборилади. Орадан бир ярим ойча ўтиб, унинг ишдан олинганини

айтишади. Раҳматуллохўжа ўз хўжалигида дехқончилик билан кун кечира бошлайди. Бирок 1925 йил апредла Раҳматуллохўжа Низомиддин ўғли ҳам аксилинқиlobий фаолиятда айбланиб, қамоққа олинади. Раҳматуллохўжа додҳо 1925 йил 4 сентябрда ОГПУ қарори билан 3 йилга Соловец оролидаги концлагерга ҳукм этилади. У 1927 йил 14 июнь куни даҳшатли қийноқлар ортидан шу ерда ҳалок бўлди.



МИРЗО ФАРМОНҚУЛ ДОДҲО БЕРДИМУРОДБЕК МИРОХҮР ЎҒЛИ (1868)

Мирзо Фармонқул додҳо бердимуродек Мирохур ўғли 1868 йил Хатирчи шаҳрида дунёга келган. Мирзо Фармонқул мадраса таҳсилини тутатгач, аввал Хатирчи беги Насруллобекка котиб, сўнг амлакдор бўйи ишлаган. 1901 йил Насруллобек тавсияси билан қоровулбек лавозимида (поручик) амирнинг хизматига олинади. Мирзо Фармонқул отасининг вафотидан сўнг мирохур, 1917-1920 йилларда додҳо даражасигача кўтарилади. 1920 йил август ойида қизил армия билан жангда Мирзо Фармонқул додҳо кўшини шахсан амир ўрдаси ҳимоясига масъул этилган эди. У амирни Фиждувонгача ҳимоя қилиб боради. Шундан сўнг додҳолар қизил армияга бас келиб бўлмаслигини англагач, амирни яширин тарзда Шарқий Бухорога чиқариб юборишга қарор қиласидилар.

Муҳаммад Аминбек додҳо Остонакулибек ўғли амирнинг ҳашаматли ўрдаси билан секин-секин Арк томонга чекина бошлайди. Мирзо Фармонқул додҳо кўшини эса ҳар тарафдан келган ёрдам кучлари билан душманни чалғитиш мақсадида гоҳ шиддатли ҳужумга ўтар, гоҳ турли томонга тарқалиб, Хатирчи томонга чекина бошлайди. Амирни тириклай тутишга ишонган большевиклар Мирзо Фармонқул додҳони таъқибиға асосий қўшинини йўналтиради. Душманнинг тузоқдалигини ва амирнинг анча узоқлашганини сезган Мирзо Фармонқул додҳо кўшинига зудлик билан ҳар тарафга яширинишга ва кейинроқ Амир ортидан Душанбега етиб бориша гўйрук беради.

Мирзо Фармонқул додҳо 40 кун ўтиб, энг яқин одамлари билан Амирнинг олдига етиб боради. Тезда Амир Олимхоннинг Душанбеда узоқ тура олмаслиги маълум бўлди. Боиси бу ерда на катта қўшин учун озука, на бир мудофаа иншоотлари мавжуд эмасди. Қизил армиянинг чегарани ҳар жихатдан мустаҳкамлаётганилиги маълум бўлгач, Амир Олимхон афон Амири Омонуллохондан вақтингчалик бошпана сўрашга мажбур бўлди. Мазкур илтимоснома хатни

Омонуллохонга етказиш ҳам Мирзо Фармонқул додҳога топширилади. У музокаралар давомида Амир хавфсизлиги таъминланадиган бўлса, ёnidagi ҳарбийлар билан Афғонистонни тарқ этишига сўз беради. Шундан сўнг Амир Олимхон яқин инсонлари билан афон заминiga ўтишга тайёргарлик кўра бошлайди. Мирзо Фармонқул додҳо эса амирнинг шахсан рухсати билан Вatanan қайтиб келади.

Фармонқул додҳо Бухорога келган вақтда ЧК томонидан кўлга олинниб, 10 кун давомида терғов қилинади. Сўнг БХР ҳукумати томонидан Ер ишлари нозирлигида котиб лавозимида тайинланади. Бирок ЧКнинг маълум ишончсизликлари туфайли бу ишни ташлаб, 1921 йилдан Хатирчига қайтиб, дехқончилик билан машғул бўлади. 1922 йил БХР ҳукумати яна ишга ҷақириб, Каттакўргонга амлакдор этиб тайинлади. 1924 йилгача шу лавозимда ишлаб, кейин Хатирчи қозисига котиб бўлади.

1925 йил 22 апрель куни Мирзо Фармонқул Бердимурод ўғли Хатирчининг Каттакеч қишлоғида қамоққа олинди. Унинг ортидан турмуш ўртоғи Хадичахон, қизи Робия, ўғиллари Барот, Абдураҳим, Аллақуллар қақшаб қолдилар. Фармонқул додҳо терғовда ҳеч бир нарсани яширмади, ўзининг Амир Олимхоннинг додҳоси бўлганини ва шу туфайли уни жон-тани билан ҳимоя қилганини, афон Амири Омонуллохон билан алоқаларда иштирок этганини, фақат унинг розилигидан сўнгина Бухорога қайтиб келганини таъкидлайди. 1925 йил 4 сентябрь куни Мирзо Фармонқул Бердимурод ўғли ОГПУ йиғини томонидан 3 йилга Сибирга сургун қилинди. 1928 йил 20 апрель куни эса ҳеч бир асосиз уни яна 3 йилга Ўрта Осиё лагерларига кўчиришга буюрилди...



МУҲАММАД АМИНБЕК ДОДҲО ОСТОНАҚУЛ ҚУШБЕГИ ЎҒЛИ (1886)

Муҳаммад Аминбек 1886 йил Бухоро шаҳрида Остонакул Қушбеги хонадонида дунёга келган. Муҳаммад Аминбек 12 ёшгача отасининг қарамоғида мактабда ўқиди. Сўнг мадрасага кириб, 16-17 ёшларида аллақачон закотчи лавозимида иш бошлаган эди. 1906 йил тўқсабо унвони билан Нуротага йўлланади, 1909 йил бий унвонини олиб, Зиявуддинbekлигига амлакдор этиб тайинланади. 1915 йил додҳо унвонини олиб, Зиёвуддинда бош амлакдор бўлди. Муҳаммад Аминбек Остонакул Қушбеги ўғли 1920 йил воқеаларида Фиждувонгча чекиниб, сўнг унинг ўрдаси билан амирсиз Аркка чекинган эди. Шундан сўнг бутун қўшини билан Қизил армияга таслим бўлади. Ўрдада Амир Олимхоннинг йўқлигини кўрган

большевик қўмандонлари жазавага тушади. Муҳаммад Аминбек, отаси Остонакул Қушбеги барча-барчаси ЧК томонидан қамоққа олинниб, икки-уч ой давомида қийноқли терғовларга тортилади. 1921 йил июнда қутулгач, Остонакул Қушбеги БХР ҳукумати солик қўмитаси раиси ўринбосари, Муҳаммад Аминбек эса БХР ҳукумати ушр комиссиясига кассир бўлиб хизматга олинади. Улар 1923 йилгача масъул лавозимларда ишлаб, битта қарор билан аксар собиқ амир даври амалдорлари ишдан олинади.

1925 йил 13 апрель куни Хатирчи тумани солик бошқармасида ишлаб турган Муҳаммад Аминбек ҳам қамоққа олинди. 1925 йил 4 сентябрь куни ОГПУ ҳайъати қарори билан 3 йилга Соловец оролидаги концлагерга ҳукм қилинди.




АБДУРАҲИМОВ БУРҲОНБЕК ҚАРОВУЛБЕГИ

Бурхонбек 1904 йил Бухоро шаҳрининг Мирдўстим гузарida Абдураҳим тўқсабо хонадонида дунёга келган. 1907 йил отаси вафотидан сўнг Бурхонбек акаси Содиқбек мирохур Абдураҳимов қарамоғида улгаяди. Дастлаб жадид мактабида, сўнг мадрасада таҳсил олади. Мадраса таҳсилтининг тўртингчи ойида амир саройига қаровулбеки унвони билан хизматга олинади. 1920 йил охирида Бурхонбек Абдураҳимов амир соқчилари сафида Душанбега, ундан Афғонистонга ўтиб кетади. Бироқ Қобул шаҳрида амирнинг ҳарбий амалдорлари билан ҳисбга олинниб, 8 ойга қамоққа ҳукм этилади. Орадан 3 ой ўтиб, Абдураҳим Юсуфзода раҳбарлигидаги БХР ҳукуматининг делегацияси келади. У афон ҳукумати билан музокара ўтказиб, барчага умумий афв эълон қилинганлигининг хабарини етказди.

Бурхонбек Абдураҳимов жами 22 нафар бухороликлар А. Юсуфзода билан Вatanan қайтадилар. Йўлда Бурхонбекнинг ёшлигидан фойдаланган ЧК ходимлари гўёки Ф. Ҳўжаев тавсияси асосида деб уни алдаб, ўзларига хизматга ёллайдилар. У Бухорога келгач, манифактура савдosi билан шугулланиб, мавжуд ҳолатлар тўғрисида ЧКга ахборот бериб турар эди. Бир гал Юсуфзода билан учрашганда ўзининг Файзулла Ҳўжаев тавсияси билан ЧКга ишлаётганини айтади. Юсуфзода уни ЧК алдаганлигини англаб, уларнинг олдига қайтиб яқинлашмаслигини тайинлади. Юсуфзода уни Бухоро шаҳар шўросига ишга йўллаб, Бурхонбек вақф бўлимида ишлай бошлайди. Орадан икки ой ўтиб, ЧК тазиики

билан Мусоҳўжаев уни ишдан ҳайдаб юборади. Бурхонбек Абдураҳимов шундан сўнг ишсиз қолиб, дўпти тикиб тирикчилик қиласи эди. Бурхонбек Абдураҳимов 1923 йил Афғонистондан акаси Содиқбек мирохур Абдураҳимовдан хат олади. У вазиятни англаб, хатни очмасдан тўғри ГПУга элтиб беради. Унда акаси Бурхонбекни хиёнатда айблаб сўккан эди. Бирок ГПУ ходими Семенеев бу хатга ишонмасдан, бошқа хатлар қани, дейди. Сўнг унинг ўйида тинтуб ўтказиб, жуда кўп ёзишмаларни топган эдилар.

Бурхонбек Абдураҳимов 1925 йил 15 апрель куни қамоққа олинди. 1925 йил 4 сентябрьда Бурхонбек коровулбеки Абдураҳимов ГПУга ёллангани ҳолда унга ишламай қўйган деб, ЎзССР ЖКнинг 61, 67, 69-моддалари билан 3 йилга Соловец концлагерига ҳукм қиқарилди.



САЙДБЕК ДОДҲО ҚОБИЛБЕК ЎҒЛИ

Сайдбек додҳо Қобилбек ўғли 1848 йил Бухоро шаҳрининг Дурмон гузарida туғилган. Унинг отаси Бухоро амири Қушбекисининг хизматида бўлган. Сайдбек 20 ёшгача мактаб ва мадраса таълимини олиб, айни пайтда чой савдоси билан машғул бўлади. Сайдбек Қобилбек ўғли 1868 йилдан ҳарбий хизматга олинниб, 7 йил давомида қоровулбеки, сўнг мирохур, тўқсабо унвонларини олади. Шундан сўнг амир саройига хизматга кириб, 8 йил амир Абдулаҳадоннинг, сўнг амир Олимхоннинг хизматида бўлди. Сайдбек додҳо Қобилбек ўғли 1913 йилдан Вобкентда бош амлакдор, 1915 йилдан додҳо унвонини олиб, Китоб вилоятига ҳоким лавозимида тайинланади.

Сайдбек додҳо Қобилбек ўғли 1917 йилдан Бухорода яшаган. У Бухоронинг кекса тажрибали амалдорларида бўлиб, аҳоли орасида ҳам жуда катта обрў-этиборга эга инсон эди. Гарчи қизил армиянинг Бухоро ишғоли вақтида кўз оғриғи туфайли иштирок этмаган бўлсада, 1921 йил ЧК томонидан қамоққа олинниб, 17 кунлик терғовдан сўнг қўйиб юборилган. Сайдбек додҳо Қобилбек ўғли 1925 йил апрелда яна қамоққа олинди. Унинг фарзандлари Ниёзбек (22 ёш) ва Ҳасанбек (16 ёш)лар ҳам сўроққа тортилади. Сайдбек додҳо Қобилбек ўғли 1925 йил 4 сентябрь куни 3 йилга Сибирга сургун қилинди...

**Тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори
Бахром ИРЗОЕВ билан
ҳамкорликда тайёрланди.**

Ёз оёқлаб қолгани учун бу ерда дам олувлар деярли йўқ эди. Қуюқ дарахтлар остидаги сўрилар ҳам бўм-бўш. Тоғ бағридан чиққан чашма бир неча ариқчаларга бўлиб, тараб юборилган, сувнинг қувноқ саси қулоқларга хуш ёқиб, ҳар томондан эшитилади.

Чашмадан юз метрлар узоқда бир жуфт олма дарахти ҳосили мўллигидан елкама-елка турган қариялар каби бош эгиб туради. Олмалар офтоб нурида ялтирас, ерга ҳам бисёр тўкилганди. Улардан ҳам юқорида тоғ маҳобат билан кўкрак керган.

Спорт кийимдаги беш-олти чоғли эркак машиналардан тушиб, айнан чашма ҳар томонга тараладиган жойдаги сўрига келиб, жойлашдилар. Аввалдан айтиб кўйилган шекилли, сўридаги хонтахта усти тузалиб, усти юпқа оппоқ мато билан ўраб қўйилганди. Сўрига энг аввал чакка соchlарига билинар-билинмас оқ оралаган эркак чиқди. Бошқалари ҳурмат билан унинг жойлашишини кутдилар, сўнг бирин-сирин ўзлари ҳам ўзаро илтифот кўрсатиб, ёшлирига қараб жойлашди.

Ҳали дастурхон очишига улгур-масларидан енгил қадамларда патнисда чинни косаларга тўлдирилган айрон билан қизил дуррачали ёшгина қиз пайдо бўлди. Икки ўрим сочини фартугига қистириб олган қиз ўйига келган азиз меҳмонларини қаршилагандек, жилмайиб саломлашар экан, деди:

– Хуш келибсиз, айрон ошпазимиз хисобидан, сизларга сийлов, муздекина, тоғ гиёхлари кўшилган, иссиқ кунда жоннинг роҳати...

Қалдирғочдек вижирлаб ҳаммага бир-бир айрон узатаётган қизни тўрда ўтирган эркак тўхтатди:

– Синглим, сизга ҳам, ошпаз акага ҳам катта раҳмат, аммо бу ерда йигитлар йўқми? Патнисда бунча нарсалар билан зиналардан тушиб-чиқиш сизга оғирлик қилали-ку?

– Арзимайди, катта ака, мен отамга ёрдамлашиб ўрганиб қолганман, ҳеч оғирлик қилмайди, хавотир олманг!

– Аммо бизга, акаларингизга сиздек нозик-ниҳол қизчанинг хизмат қилиши оғир ботади-да.

– Рааҳмат, – қиз бир текис дурдек тишларини кўрсатиб, мамнун, миннатдор жилмайди, – ҳозир акам ҳам етиб келади, овқат айтган вақтингизда тайёр бўлади, сизлар яхши дам олсангиз, бу ердан хурсанд кетсангиз, шунинг ўзи етарли бизга.

Қиз қандай тез пайдо бўлган бўлса, шундай тезликда изига қайтди.

Эркак ёнидагиларнинг бир-бirlарига қараб тараддудда турганларини сезиб, кулимсиради.

– Катта иш қилдингиз, бугун мумкин, фақат меъёрида бўлсан, Назарбек, – дея ёнидаги эркакка юзланди, – сиз косагулликни қойиллатасиз, термалар айтиб. Бошламасига Отажон Худойшукоровнинг «Эсар Жайхун шамоллари»дан парча эшитайлик.



СҮЗ (ҳикоя)

– Фарҳод Янгибоевич, таклиф бор, – деди Назарбек бошлиғига қараб, узр оҳангида,

– «Хофиз» кўлида тори билан косагуллик қиломайди-да, Бурхонга топширайлик бу ишни.

Таклиф енгил

кулги билан қабул

қилинди. Хиёл ўтмай тоғ бағрини тўлдириб, «Эсар Жайхун шамоллари» янгради. Назарбек болалигига

музиқадан сабоқ олган, улғайганида

ундан умидлари катта бўлган ота-

онасини танг қолдириб, ҳарбийликни

танлаган эди. Жанговар офицер

бўлса ҳам торидан воз кечмаган,

дўстлар давраси у билан файзли

эди.

Болалиги Жайхун соҳилларидаги

кечган Фарҳод Янгибоевич кўзларига

ни қаршиидаги маҳобатли тоғларга

тиқди. Кўнглида кенгликлар соғини

үйғонди, ўхшаса-ўхшамаса Назар-

бекка жўр бўлди.

Кўшик билан даврага хуш кай-фият кирди. Синглиси каби очиқ чеҳрали йигит бўз матога ўралган сомса олиб келди. Совиб қолмаслиги учун маҳкам ўралган экан. Очилгани заҳоти ялпиз, оташ ва тандир ҳиди таралди.

– Ҳалиям кўк борми? – ажабла-ниб сўради эркаклардан кўйироқда утиргани.

– Бу ерда ҳамирли таомнинг ҳаммасига ялпиз кўшилади, баҳорда кўпроқ, ёз ичи камроқ, ёзда юм-шоқлигини бироз йўқотади-да, ош бўлсин, акалар!

Бурхон пиёлаларга ароқ қуяётган эди, Назарбек ўзига қўйишларини кескин рад этди. Ҳамма ажабланиб ўзига тикилиб турганини кўрган эркак хижолат бўлгандек, аммо эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда деди:

– Қизимга ваъда берганман!

Йигит бошлиқнинг имоси билан ароқни четга олиб кўйди. Назарбек ўртадаги ноқулайликни кўтариш учун яна торини қўлга олди. «Ҳар йигитнинг аслин билай десанғиз» деб бошлиши билан ҳаммалари ҳар хил овозда жўр бўлдилар. Орада сомсанинг ҳам чўғи ўчди. Изини совитмасдан сергўшт шўрва ҳам тортилди. Гиёхлар кўшиб ёпилган қатламали патир билан дастурхон шоҳона тус олди.

Ишдан, ёшлардан, тоғ ошхонасинг ўзига хослигидан гурунглашдилар.

– Ҳофиз, қизингиз неча ёшда, – деб сўради бошлиқ Назарбекдан.

– Беш ёшда, – жилмайди Назарбек, – исми Лолажон.

– Назарбек Камолович, мен барча сафдошларнинг оиласини танийман, – деди қуйироқда ўтирган ҳаммаларидан ёш йигит, – ишим шундай, узр, қизингиз борлигини билмас эканман.

Назарбек торини авайлаб сал чеккароқса сурди-да, болишга суюниб, бир зум жим қолди, оғир тин олиб, гап бошлади:

– Сизлардан яширадиган сирим йўқ, биласиз, бу иккинчи оиласам. Раҳматли аёлим Латифа билан

музиқа мактабида бирга ўқиган эдик. Бир-биримизни севиб турмуш қурдик. Тақдир экан, саккиз йил яшаб, фарзанд кўрмадик, ўзи ҳам хасталанди. Сўнгги икки йил оғир касаллиқдан чеккан азобларини душманимга ҳам раво кўрмайман...

У кунлар ўтди-кетди, оғриқлари юракда қолди. Бу торни Латифам совға қилган, билгандек, унтишимини истамагандек. Уни унтишиб бўлармиди! Аммо ҳаёт давом этаверади, ўлганнинг ортидан ўлиб бўлмайди.

Баҳорда таътилини ота-онамнинг ёнида ўтказмоқчи бўлдим. Улар ҳам кексайиб қолган. Ўша кунлар улардан хабар олишига ҳудуд ҳамшираси келиб қолди. Ёши ўттизлардан ўтган кўринди менга. Уни қўриб, қарияларим севиниб кетди. Ўзлари қолиб, уни ҳол-аҳволини сўрай бошлаши. Ҳайрон бўлдим. Кетганидан

кейин ҳамшира аёл ҳақида гапириб бердилар. Эридан ажрашган экан, калтакларидан зада бўлиб, зўрга қутулган эмиш. Бунақа тақдирлар ҳақида эшитганим учун ортиқ сўраб-суриштирганим йўқ. Шу пайт дадам бошлаб қолдилар: «Кўзимиз тириклигида уйлансанг эди, бу қизни останамиздан бўйлаши бежиз эмас, Аллоҳнинг бир ҳикмати бор бу ишда...» Индамай турганимни қўриб, қизишиб кетдилар:

«Ҳадемай, хизматинг бошланади, кетиб қоласан, ёлғизлик инсонни адо қилади. Гап шу, хизматга

кетишидан аввал шу ишни бир ёқли қилиб кетасан, уни биттагина бо-ласи бор. Ажаб эмас, шу гўдакнинг бошини силасанг, Аллоҳ сени ҳам ўғил-қизлар билан сийласа. Кўрганмиз, бунақа тақдирларни ҳам».

Шундай қилиб, ҳамшира жувон билан танишдим. Шоиранинг ўши мен ўйлагандек эмас, йигирма бешда экан. Бир ой ичидан ўйландим. Ўзим билан уларни ҳам олиб келдим. Ўйим шаҳарчадан ташқарида бўлганлиги учун кўпчилик иккинчи оиласам борлигидан хабарсиз.

Қизча... Лолажон жуда ғаройиб-да. У билан тез тил топишидик. Сумкачаларни севади. Унга бўйнидан осиб оладиган ялтироқ, митти сумкача совға қилганимда севинганин кўрсангиз эди. Кичиккина ҳадя бунчалар қувони олиб келишини

тасаввур ҳам қилмасдим. Уйда ҳам бўйнига осиб олади, ичига майди-чуйда ўтиридан солиб олган, унга қараб завқим келади. Ва ихтиёrsиз отаси ҳақида ўй кечади, кўнглиман: «Қандай, қандай шундай

ширин қизалоқдан воз кечган экан?»

Бир куни ёмон иш бўлди. Базада хизмат қилаётган бирга ўқиган дўстларим билан кўришиб қолдик. Бирга ўтиридик, бироз ичдик. Тетикман, кайфиятим яхши, уйга қайтаётib, Лолажонга ширинлик олдим. Атай

митти ширинликлар олдим, сумкача сига жойлашиши учун. Буларни кўриб севиниши кўз олдимга келиб, кулиб кўйдим. Уйга келдим, одатдагидек Шоира қаршилади, кўлимдаги пакетни олиб ошхонага йўналди. Кўча эшикни ёпиб, оёқ кийимни ечаётгандим, Лолажон хонасидан чиқди, мени қўриб, олдимга чопқиллаб келди. Пешонасидан ўшига энгашганимда бегона бир овозда чинқириб юбордики, чўчиб кетдим. Аяси ошхонадан отилиб чиқди.

– Аяжон, қочинг, қочамиз, ёмон одам, ароқ ичган ёмон одам! – деб меҳмонхонага қараб югорди.

Қотиб қолдим, нима дейишни ҳам билмайман. Ортидан бордим.

– Қизим, мен сени ўпид қўймоқчи эдим...

Баттар дод солди. Худди қафасга тушиб қолган қушча каби ўзини у ёқдан бу ёқка ота бошлади, чиқиб кочишга жой тополмайди. Нуқул: «Аяжон, қочамиз, ёмон одам уради бизни, ароқ ичган!» дейди. Охири чарчадими, йўқ-йўқ, менимча, тақдирга тан берди. Даҳшатли бир ҳол. Сумкачасини менга қараб отди: «Ма, ол, сумкачанг керак эмас, факат мени урма, урма...» шундай деб, қўлчалари билан бошини ёпиб, ғужанак бўлиб бурчакка қапишиб қолди.

Дўстлар, мен ҳаётда кўп нарсаларни кўрдим, қийинчилик бўлса енгдим, ечим топдим, ғамга сабр қилдим. Аммо бир қизалоқ қаршида ожиз қолдим. Қўрқув, даҳшат ичдаги қизалоқ, бошини қўлчалари билан ёпиб, урма деб ёлвораётган қизалоқ мени маҳв этди, забун қилди. Мен аёлга кўл кўтарган касни одам деб санамайман. Гўдакка кўтарилган қўл... Мен ундан қўлни оёқларим остида эзғилаб ташлаган бўлар эдим.

Шоира менга кўзи билан чиқиб туршишимни сўради. Бу ҳолдан ўзимга келолмай, балконга чиқдим. Нихоят, анча вақтдан кейин боласини тинчлантириб, Шоира ёнимга чиқди. Унинг ҳикояси жуда оғир эди. Ёш турмушга чиққан, одам каби бир ойгина кун кўрибди. Калтаклар, ҳақоратлар остида тўрт йил яшабди, қизига ҳам қўл кўтара бошлагач, ҳаммасига қўл силтаб, боласини олиб чиқиб кетган экан.

Ўша кеча ухлаганим йўқ. Тонгда юванинб-тараниб, ўзим нонушта тайёрладим. Лолажон уйгониб, ошхона эшиги панасидан мени кузатётганини сезиб қолдим. Билмаганга олиб, унга мослаб тўқиган қўшиғимни айта бошладим: «Лолажондек қиз борми, ҳей, ҳей, сумкачаси олтиндан, ҳей, ҳей». Қарамасам ҳам жилмайганини хис қилдим. Кейин келиб, орқамдан қучди. Ўгирилиб бағримга босдим, пешонасидан ўпид пахмоқ сочларини силадим:

– Оппок қизим, сенга сўз бераман, энди ҳеч қачон ароқ ичмайман, мен бор эканман, сизларни ҳеч ким ҳафа қила олмайди.

Назаримда учаламиз ҳам ўша тонг бир-биримизни яхширок танидик.

Ҳаммалари жим қолишиди. Улар ҳам Назарбекни айнан шу лаҳзарларда яқиндан танигандек эдилар. Фарҳод Янгибоевич жимликка барҳам берди:

– Биз шарафли вазифада хизмат қиламиз. Ҳақиқий эркаклар касби деб ғ

ШАҲРИМИЗ КЎЧАЛАРИ

БЎЙЛАБ

Янги Ўзбекистон пойтахти бугун янгича қиёфа кашф этган. Янгиланишлар шу қадар жадалки, 10 йил аввал Тошкентимизда бўлган меҳмон, ўзгаришлардан бугун лол қолиши бор гап. Янги замонавий тураржойлар, осмонўпар бинолар, кенг кўчалар ва кўпиклар, йўловчилар учун сўнгги русумдаги автобуслар ва қулайликка эга чироили бекатлар... Айниқса, кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳатто шаҳардаги ўзингиз биладиган манзилга бироз вақт ўтиб борсангиз, қурилишлар сабаб, таний олмай, адашиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Бир сўз билан айтганда, пойтахтимиз бугун ўзгача гўзалликка эга.

Аммо нур бор жойда соя бор, деганларидек, бир жиҳат дилни хира қилиб туради. Яъни шаҳримиз кўчаларида озодаликка айrim юртошларимизнинг безътиборлиги. Танишларимдан бири афсус билан гапириб қолди:

– Чет элдан келган меҳмон билан сұхбатлашиб қолдим. У пойтахтимиз ҳақида жуда яхши фикрлар билдири, чиройини эътироф этди. Ҳалқимизнинг меҳмондўстлигини кўкларга кўтариб мақтади. Хурсанд бўлиб, ғурурланиб кетдим. Лекин сўзининг охирида «одамларинг кўча тозаловчилар меҳнатининг қадрига етмас экан. Кўлларида ортиқча нарсани дуч келган жойга ташлаб кетганини кўп кўрдим», деб афсус билан бош чайқади. Унинг гапига эътиroz билдира олмадим. Тўғриси, ўзим ҳам неча бор гувоҳ бўлган бу лоқайдликка сўз топа олмай, жим қолдим.

Оғрикли ҳолат. Шундай эмасми!? Айниқса, ёз палласи кўчалар четидаги ариқалар ичи салқин ичимликлар идиши, селлофан пакет ва турли емакларнинг қофозлари билан тўлади. Ўриндиқлар ёнида эса писта пўчоқлари ёйилиб ётади. Бу ёқимсиз ҳолатни асосан ёшлар содир этаётгани янада аянчлидир. Озодаликка путур етказаётган ўша йигит-қизлар кўчаларда тинимсиз меҳнат қилаётган, гуллар ва дараҳтлар парваришига эътибор қаратиб, йўл ёқаларини супуриб-сидираётган инсонлар меҳнатига ҳар қадамда гувоҳ бўлиши аниқ. Ўша ёшлар ҳар қандай об-ҳаода эгилиб-букилиб заҳмат ила хизмат қилаётган эркак ва аёллар уларнинг отоналари қатори эканини ҳеч ўйлаб кўрганмикан!?

Албатта, барча бирдек лоқайд эмас. Кўча ишчиларининг ма-шаққатли меҳнатини қадрлайдиган жон-куяр ҳамюрларимиз кўп. Бироқ кўз олдимизда шахри-

миз озодалигига путур етказаётган каттаю кичикка эътироғиз қараб туриш ҳам унинг гуноҳига шерик бўлиш билан баробар. Шунингдек, бу ахлатлар нафақат кайфиятни туширади, балки касаллик уяси ҳам. Вақтида бартараф этилмаса, экологияга таъсир қиласи, атрофга кўланса ҳид таратиб, турли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши тайин.

Бунинг олдини олиш учун нима килиш керак, деган савол кўндаланг бўлиши табиий ҳол. Аввало, ўзганинг меҳнатини қадрлаш оиласидаги тарбиядан бошланади. Ота-оналар болалари билан сайрга чиққанларида тартиб ва озодалик борасида ўзлари ўрнак бўлиши лозим. Болалари беътиборлик қилса, тартибга чакириб танбех бериши, насиҳат қилиши катта аҳамиятга эга. Шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида, табиатни севиш, уни асрash ва парваришлар билан бир қаторда, кўчалар, бояғи хиёбонлар озодалигига раҳна солиш ёмон оқибатларга олиб келиши ҳақида таъсирли мисоллар билан сабоқ берилса, бу ўгит болалар юрагида мухрланиб қолади.

Барча мамлакатларнинг пойтахти ўша давлатнинг юзи хисобланади. Чунки ташқаридан келадиган меҳмонлар аксари ҳолда пойтахт шаҳарларга ташриф буоради. Уларнинг биринчи эътиборини тортадиган ҳолат муҳташам бинолар, кўча ва хиёбонлар, ободлик ва озодаликдир.

Бу борада танганинг иккинчи томонига ҳам эътибор бериш зарур. Яъни:

– Қўлингдагини нима учун гуллар тагига ташладинг? – танбех бердим салқин ичимликтан бўшаган идишини йўл четидаги гуллар томон улоқтирган ўсмир йигитчага. – Чиқинди идишига ташласанг бўлмайдими, ўғлим?

– Идишига ташламоқчи бўлдим, лекин анчадан буён юриб келяпман, яқин ўртада бундай идиш йўқ. Қўлимдагини кун бўйи кўтариб юрмайман-ку?

Тўғриси, унинг эътироғизга жавоб топа олмадим. Атрофга аланглаб урна-чиқинди идиши изладим, аммо кўрмадим. Ўзини ҳак санаган ўсмир эса ташлаганини қайтиб олмай, йўлида бепарво давом этди. Шундан сўнг шаҳримиз кўчаларини сайр қилиб, айнан шу жиҳатни кузатдим. Чиндан ҳам автобус бекатларидаги урналарни ҳисобга олмаганди, юриш йўлакларида чиқинди ташлайдиган идишлар деярли йўқ. Кўзим тушганлари ҳам вақтида тозаламагани сабаб, тўлиб-тошиб ахлатлар ичida кўринмай туриби. Наҳотки бу муммони бартараф этиш мушкул бўлса?

Кўплаб хориж давлатларида озодаликка путур етказиши жиноий жавобгарлик ҳисобланиб, катта жарима солинади. Ҳатто ерга тупургани учун ҳам жавобгарлик бор. Балки шу сабаб Европа давлатларига бориб келганлар ўша ердаги шаҳарларнинг тозалигини эътироф этар. Менам Австрияning Вена шаҳрида бўлганимда, у ердаги озодаликка ҳавас қилганман. Бизда ҳам шундай бўлиши мумкин-ку, тозалик тартибига риоя қилиш мушкул вазифа эмас-ку.

Шу сабаб юртошларимизни тозалик масъулиятига чакириш билан бирга, бунинг чорасини ҳам кўриш зарур. Ахир пойтахтимиз ободлиги ва озодалиги бизнинг шаънимиз, обрў-эътиборимиз, халқимиз маънавияти ва маданияти кўзгуси. Тозаликни асрash учун эса юриш йўлаклари четига орасини узоқлаштирумай урналар жойлаштирилса, салмоқли даражада нафи тегади, деб умид киламан. Келинг, пойтахтимиз ободлиги ва озодалиги учун биргаликда ҳаракат қилайлик!

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ: БЕКАТДАГИ ВОҚЕА

Қуёш тиккада, кун қизигандан қизиган. Барча ўзини сояга олишга

харакат қиласи. Айниқса, катта шаҳарда бу яққол кўзга ташланади. Музқаймок, газли сув сотадиган сочувчиларнинг қўли кўлига тегмайди.

Бекатда ўтирган ўсмир ёшидаги иккиси дугона ҳам бир-бираiga гап бермаслик асносиди меҳр илиа музқаймок тановул қилмоқда. Суҳбат орасида бир-бiriни тутишиб тинмай кулишади. Ҳатто ёнларида оналари қатори аёл ўтирганини ҳис килмайди ҳам.

Қизлар музқаймоқни еб бўлгач, унинг қофозини икки-уч метр нарида, бекат биқинида жойлашган чиқинди идишига ташлаш учун баҳслаша бошлади.

– Нози, бу гал «марожне» қофозини ахлат идишига ташлаш сани навбатинг.

– Воой, нега энди ман ташлар эканман, ёдиндан кўтарилиди чоғи, бу сафар сан ташлашинг керак, Шаҳи!

– Нози, ҳар гал шундай қиласан. Энди эркалигинг ўтмайди, қани, бўлақол, – дугонасининг қўлига музқаймоқ қофозини зўрлаб тутқазди у. – Идишига ташлаб кел.

– Бу иши қилиш шарт эмас! – қўлидаги чиқиндини бекат бурчагига зарда билан улоқтириди Нози. – Бекатни тозалайдиган ишчиларнинг вазифаси бу. Шуларни тозалагани учун маош олади улар.

Қизлар яна қиқирлаб кулди ва ёнларида катта аёл ўтиргани ёдига тушди чоғи, Шаҳи мен томонга аста нигоҳ ташлади. Уларга норози қиёфада савол назари билан қараб турганимни кўриб, танбех беришмни сезди ва дугонасининг қўлини тутиб, уни огоҳлантирган бўлди. Дугоналар эндиғина ўрнидан турмоқчи эди ҳамки, кўзи ожиз икки аёл бекат томон яқинлашди. Аёлларга ёрдам бермоқчи бўлиб ўрнимдан қўзғалдим.

– Раҳмат, биз ўтироқчи эмасми, – улардан бири майнинлик илиа мақсадини тушунтириди. – Бекатларда чиқинди идиши бўлади. Шунга музқаймоқ қофозини ташлаш учун шу томон юрдик. Йўлни тушунтириб юборсангиз, хурсанд бўлардик.

Аёллар «қўлингиздагини менга беринг, идишига ташлаб қўяман», деганимга ҳам қарамай, қайта-қайта миннатдорлик билдириб, бу вазифани ўзлари бажаришни лозим топиши.

Бу воқеани кузатиб турган иккиси дугонага эса танбех беришнинг ҳожати қолмаганди. Иккиси ҳам жиддий тортган ҳолда ўз хатоларини зудлик илиа тўғрилади. Ҳаётнинг бу сабоғи уларнинг қалбида умрбод мұхрланиб қолишига шубҳам қолмади.

ОНДИ

ҚАНДАЙ САЛОМЛАШАСИЗ?

Таниш ёки нотаниш бўлсин, биз одамларни доимо саломлашиб қарши оламиз. Бу ўзига хос эҳтиром ва ўзаро мулоқотни бошлаш учун яхши восита ҳисобланади. Бироқ саломлашиш шунчаки маданият белгиси эмас. Олимлар унинг тарихий зарурат эканлигини ҳам таъкидлайдилар.

Маълумки, инсоният ўз тарихининг дастлабки даврларида қабила-қабила бўлиб яшаган. Бу хавфсизлик, жон сақлаш нуқтаи назаридан жуда фойдали эди. Бироқ яшаш учун кураш қабилалараро муттасил жангларга сабаб бўларди. Нимаики керак бўлса, у жанг билан эгалланиши, қўлда эса мунтазам қурол бўлиши керак эди. Лекин ўзаро маҳсулот айрбошлар, тажриба алмашиш мақсади янги муносабатлар ўрнатилишини талаб этарди. Шу боис одамлар бир-бирларига яхши ниятда келганини билдириш учун қўлида қуроли йўқлигини кўрсатиб, қулочларини катта ёзиш усулини ўйлаб топдилар. Бу эса кейинчалик кўришиш, саломлашиш дея атала бошланди. Маълум маънода саломлашишни дипломатиянинг биринчи кўриниши дейиш ҳам мумкин.

Қадимги даврларда, саройларда, ҳатто ҳозир ҳам юқори доираларда саломлашиш санъат даражасига кўтарилиган. Буни Хитой, Хиндистон, Европа ҳалқлари маданиятидан ҳам билса бўлади. Мураккаб, тақрорий, бироз вақт талаб этиладиган салом бериш тартиби чуқур хурмат ва садоқатни билдирган.

Даврлар ўтиши билан ҳар бир ҳалқ ўз дунёқарashi, атроф-муҳитга нисбатан муносабати ва маданий меъёрларидан келиб чиқиб, саломлашишнинг турли шаклларини қабул қилганлар. Жаҳондаги кўпгина ҳалқларда салом сўз орқали бажарилади. Лекин бу ўринда қўл, бош каби тана аъзоларининг ҳаракати ҳам қўшимча вазифа бажариши мумкин. Ҳар қандай одамга мурожаат ёки муомала қилишдан олдин салом бериш ва алик олиш инсоний фазилатdir.

ҚАЕРДА ҚАНДАЙ САЛОМЛАШИЛАДИ?

- Мисрликларнинг қадимги саломлашиш усуллари бугунги ҳарбийларнинг саломлашишига ўхшаб кетади. Улар кафтларини пешоналарига кўйишган.
- Сермузозамат францияликлар дўстлари билан ҳар учрашганида қўл бериб кўришади ёки ўпишиб кўяди ва худди шу тарзда хайрлашади.
- АҚШда эса оддийгина тарзда қўл бериб кўришилади.
- Хитойликлар илгари замонларда бир-бирлари билан кўришиш белгиси сифатида ўз қўлларини сикуб кўйишган. Бизнинг давримизга келиб эса бу усулдан тингловчиларни қарши олаётган маърузачилар фойдаланади.
- Японияликлар бирор киши билан саломлашганда таъзим қиласи. Бу жуда назокатли ва маданиятили кўринади.
- Канадаликлар «бурун бериб» кўришидилар, яъни улар учун бир-бирини учратганда бурунларини тегизиб қўйиш одатга айланган. Бундай саломлашиш усули шотландияликларга ҳам бегона эмас.
- Дўстининг қўли билан ўзининг юзини силаб саломлашиш одати эса полинезияликларга хос.
- Британияликлар дўстларини учратганда, «салом» деб кўя қолади. Бундай совуқконлик катта ёшли кишиларда ҳам мавжуд.
- Тибетликларнинг саломлашиш усули бироз ғалатироқ: улар саломлашишни бир-бирига тилларини чиқариб кўрсатиш орқали ифодалашади.

• Эскимослар эса сўрашаётган кишиларнинг боши ва елкасига енгил мушт билан уриб қўядилар.

- Африкадаги айрим ҳалқлар бир қўлида ошқовоқ узатадилар. Иккичи қўли билан эса тирсакларини ушлайдилар. Бу чуқур эҳтиром белгиси ҳисобланади.
- Ҳиндлар икки кафтини бирлаштириб ва бироз эгилган ҳолда саломлашади.

БИЗДА-ЧИ?

«Ассалому алайкум» – бу ўзбек ҳалқи қабул қилган саломлашиш тури. «Ассалому алайкум» арабча сўз бўлиб, сизга тинчлик, саломатлик тилайман, деган маънони англатади. Бу сўз мусулмонлар ўзаро учрашганда ишлатадиган саломлашув ибораси сифатида қабул қилинган. Саломни қабул қилувчи «Ваалайкум ассалом» («Сизга ҳам тинчлик, саломатлик тилайман»), деб жавоб қайтаради. Саломлашишда маълум коидалар мавжуд. Унга кўра, кичик ёшдагилар ёши улуғларга, улов минган одам пиёдага, пиёда кетаётган киши ўтирганга, озчилик кўпчиликка салом беради. Ассалому алайкум кўпчилик ҳузурига кириб ўтиришда ҳам айтилади.

Салом бергандага унинг самимий ва мулојим чиқишини, эшитарли бўлишини таъминлаш лозим. Уни ошкора айтиш кишилар ўртасида муҳаббат пайдо этиб, ўртадаги гина-кудратларни кетказади. Ассалому алайкум дейиш суннат, жавоб қайтариш эса вожиб ҳисобланади, деб келтирилади ахлоқ-одоб тавсифидаги китобларда. Шунингдек, қадимда хон-амирлар билан учрашув (аудиенция) ҳам салом деб аталган. Амир, хонларнинг қабулхонаси саломхона деб номланиб, унинг хизматчиси салом оғаси деб юритилган.

Келинни куёв хонадонига келган биринчи кун эрталаб хонадон катталарига, яқин қариндошларига таъзимга олиб чиқиш маросими ёки умуман келинчак таъзими ҳам салом номини олган.


Ўзбекистондаги саломлашиш ҳаракатлари, ишлатиладиган сўзлар ҳудудлараро бироз бўлсада, фарқланади. Лекин ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамлиги, ахолининг этник жиҳатдан у қадар фарқланмаслиги сабабли кескин тафовутлар учрамайди. Қўл сикиш, қучоқлашиш, елка олиш, бир-бирининг тирсагини ушлаб сўрашиш (аёллар орасида) деярли ҳамма жойда учрайди. Шунингдек, эркаклар билан эркаклар, аёллар билан аёллар, эркаклар билан аёлларнинг сўрашишида ҳам (қўл ҳаракатлари нуқтаи назаридан) фарқлар мавжуд. Қолаверса, икки қайта кўришиш ҳам анъанага айланиб қолган. Яъни давраларда аввал умумий, кейин эса алоҳида-aloҳида сўрашишга ўтилади. Ҳар бир меҳмон мезбондан, кейин ўзаро бир-биридан ҳол-аҳвол сўраб чиқади. Буни саломнинг иккинчи кисми деб аташ ҳам мумкин.

ЯНГИЧА «САЛОМЛАР»

Кимдир узок, кимдир мулозаматлардан холи равишида саломлашишни маъқул топади. Бу ҳар бир кишининг ўз ихтиёрида. Муҳими, қандай саломлашиш эмас бир оғиз сўз билан бўлса-да, саломлашиш, бироқ...

Сўнгги вақтларда ривожланиш ва онг ўзгариши натижаси ўлароқ, саломлашиш анъанасида ҳам «мутациялар» кўзга ташланмоқда. Бу айрим кишилар ўртасидаги саломлашишдаги назокат, эҳтиромнинг йўқолиб бораётганида, айниқса, ёшлар орасида намоён бўлади. Кундалик ҳаётимизда янгидан-янги саломлашиш турлари пайдо бўлмоқда. Бош уриштириш, елкаларни уриштириш, саломлашганда нафакат қўл, балки оёқларнинг ҳам ишлатилиши шулар жумласидан. Қолаверса, айрим йигитларнинг ўта нағислик билан ўпишиб кўришишлари ҳам атрофдагиларга бироз эриш туюлиши мумкин. Бу ҳаракатлар кўп ҳолларда ўзаро яқинлик, бошқалардан ажралиб турish истаги билан изоҳланар, балки. Бунда бошқа ҳалқлар ва улар маданиятининг таъсири борлигини ҳам инкор эта олмаймиз.

Наргиза ТЎХЛИЕВА,
журналист



Бегим, сизга айтаман...

Бегим! Биз энди бир бутун эканмиз, сизга айтмоқчи бўлгандаримни малол олмаслигинги истардим. Бизни дунёга келтириб, камолимизни орзулаганлар олдида масъулиятимиз улкан. Қолаверса, оила атамиши қурилажак жажжи мамлакатимизнинг шаъни иккимизни-да сергакликка ундаиди. Буни рўзгор деб қўйибдилар, бегим. Яххисидан ёмони кўп, енгилидан оғири бисёр. Биз қураётган қўргоннинг бир девори сабр, бир девори қаноат, яна бир девори бардош атамиши заҳардан, фақатгина бир девори баҳт отлиқ асалдан иборат экан. Биз турмушнинг тўрт муштига сабр билан елка тутиб, рўзгорнинг машаққатларига бардошли бўлиб, йўқчилигу камчиликларни қаноат совути остидан енгсак, суюнаверинг, баҳт қуёши нурларига эврилиб умргузаронлик қилиш насибамиз муқаррар.

Бир қўшнимиз ўн олти ёшида узатилди. У пайтлари қизларни ҳозиргидек жуда эрта узатиш «урф» эмасди. Шунинг учун ҳам қўни-қўшни, маҳалла дошлар ота-онанинг бу ишига унча қойил қолишмади. Қолаверса, қизнинг уйланиш ёшидаги икки бўйдоқ акаси бор эди. Одамларнинг тагдор саволларига жавобан она қош чимириб:

– Қизим акаларининг уйланишини пойлаб ўтираса, қариб қоларди. Йигирмадан ошган қариқиз кимга керак?! – деди.

Бу гапга кимdir қўшилди, кимdir қўшилмади. Яна бирор истехзоди кулди, яна кимdir «кейинини кўр» дегандек бош иргаб қўиди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, келинсаломга келган келинчак бир пана да онасига кўз ёшини оқизиб илтижо қилаётганига кўзим тушди. Ўшанда, чамаси, 10-11 яшарлик пайтларим эди, она-боланинг пинҳона сухбатини тасодифан эштиб қолиб, сабабини унча яхши англамаган бўлсан-да, мурфак кўнглим бузилганди.

– Онажон, илтимос, кудаларингизга айтинг, сизни, уйимизни жудаям соғиндим. Ҳеч бўлмас,

бир кечагина сиз билан ёта қолай. У ерда кунларнинг ўтишини, тонг отиши-ю, тезроқ ҳафта ўтиб, сизни кўришни қанчалар илҳақ кутишимни билмайсиз!..

Мен сухбат давомига қулок осмай, онамга чопдим:

– Ойи, ойижон, ҳуу ана у ерда Гулсара опам ойиларига осилиб йиғлаётган эканлар. Уларга жуда раҳмим келди. Ойиларидан бир кечагина уйларида қолишларини сўраб йиғлаяптилар...

Онам ўшанда қўлларидағи юмушларини ташлаб, оғир тин олдилару, кейин нималарни дир узоқ ўйладилар-да, «Ҳали ҳамма гап олдинда», деб қўйдилар.

Чиндан ҳам ҳаммаси олдинда экан. Ўша қиз турмушни оқлибос кийиб, орзу-ҳавасларда ширин севги изҳорларидан маст бўлиб яшаш, деб хаёл қилган экан чоғи, йигирма икки ёшида оиласи бузилиб, ота уйига қайтиб келди. Икки боланинг кўнгли яримлиги, тендошларидан камлиги, она меҳрига, эркалашларига зорлиги ҳақида айтмасам ҳам, жуда яхши биласиз. Ўша бесабр жувоннинг кейинги аччиқ қисмати, яқинлари ва қавм-қариндошларининг иснодига айлангани тўғрисида сизга гапиргани хижолат чекаман. Фақат демоқчиманки, унинг феълидаги бу ноқисликни тузатмаган ўша йигит ҳам оиласининг бузилиб кетиши ва рафиқасининг эгри йўлга тушиб қолганига айбдор саналади. Мени афв этгайсиз, эркакнинг бепарволиги аёлнинг бепардалигига сабаб бўлади.

Турмушнинг ҳар куни сабоқ, ҳар они имтиҳон. Бу синовлардан аъло ўтиш учун эса биз бир

тану бир жон бўлмоғимиз шарт! Бирида устоз, бирида шогирд бўлиб, бир-бирамизнинг камимизни тўлдирмоғимиз лозим, токи бизнинг кемтигимиз ташқаридағиларга аён бўлмасин.

Дарвозамиз тирқишидан бир оғиз ноҳуш калом кўчага бўйламасин. Бунинг исноди оғир. Номуси қаттиқ...

Бегим, юқорида эрнинг бепарволиги – хотиннинг шўри эканидан гап очдим. Ўрни келганди, кўрган-кузатгандарим асносида фикримни исбот этсам.

Бундан икки йилча олдин бир курсдошим турмушга чиқди. Дугонам билан анчайнин яқин бўлганимиз боис турмуш қурмасларидан олдин ҳам куёв болани билардим. Шу сабабдан курсдошимнинг у йигит билан оила қуриши унчалик кўнглумга ёқмаган эди. Қарангки, куёв бола ниҳоятда беғам, бепарво йигит бўлиб чиқди. Дугонам ярим тунгача ишда қолиб кетса ҳам, у кишининг парвойи фалак. Нима бўлганда ҳам ишлаб, рўзгорга пул топиб келса бўлди, поччамизнинг ҳакалак отган нафсларига тансиқ егуликлар ором беради. Дугонамнинг қўлида доим рўзгор халтаси. Ҳали ошхонасида бир нима йўқ, ҳали музлаткичидан ҳеч нарса қолмаган. Кечки пайт ишдан чиқиб бозорга югуради. Зил-замбил халталарни кўтариб уйига чопади. Чамамда, боқибегам поччамиз эрлик масъулиятини дастурхоннинг тўрига ўтирвониб, хотин олиб келган неъматларни пақкос туширишу, телевизордан футбол томошасини кўриб, дам олиб яшаш деб ўйлаган, шекилли. Энди улардаги бу бе-

парволик «ҳаста»лигини даволаш анча мушкул. Бир устозим «Шаклланган шахсни тарбиялаб бўлмайди», деб тақорлардилар. Дугонамнинг турмуш ўртоғи ҳақида ўйласам, шу эшитганим қулогим остида акс садо берганча жаранглайверади.

Бегим, сиздан илтимос, тоифадошингизнинг бу ҳаракатини айб сананг! Бу турфа масъулиятсизликдан ор қилинг! Унутманг, бегим, рўзгор машаққатлари, турмуш синовлари сизнинг биргина қовурғандиздан яралган муштипар жисмимга оғирлик қиласди. Буни иккимиз бирга тортмоғимиз керак. Ахир кексаларимиз бежиз «Эр-хотин – қўш хўқиз», дейишмайди. Бу эр билан хотин ҳамиша, ҳар он, ҳар сонияда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, бир-бирига ҳамроҳ, ҳамфир бўлиши керак дегани.

Бегим, аввалбошидан сизга айтгандаримни яна бир бор таъкидлаб ўтишини жоиз санадим. Қурилажак оиласидан бир қўрғон мисолида биладиган бўлсак, уни мустаҳкам тутиб тургувчи устуни – Сиз! Яхши биласиз, иморат устуни мурт бўлса, кўпга бормай, ерпарчин бўлиши аниқ. Бундан Аллоҳ арасин! Сиз шундай суянчик бўлингки, мен ҳар қандай чигалликларни табассум билан қарши олиб, ғалабанинг қаҳ-қаҳ овози билан мушкул вазиятлардан чиқай. Сиз шундай бир парда бўлингки, у мени ҳамма вақт ачиниш ва раҳм, нафрат ҳамда важоҳат назаридан пана қилиб турсин. Сиз қўрғонимизнинг шундай дарвозаси бўлингки, ундан фақат биз ҳақимизда яхши гаплар чиқиб, ижобати баҳтимизнинг бутунлигини билдиргувчи дуолар кирсин!

Бегим, эрта-индин барпо бўлажак митти мамлакатимизнинг ҳукмдори ўзингиз. Ундаги ўрнингиз, зимманингиздан масъулиятингизни бир дақиқа бўлса ҳам унутманг! Инсон қачон мувозанатдан чиқиб, тубанликка юз тутади? Қачонки, ўрнини унутганида, масъулиятини англамаганида. Ва бу эътиборсизлиги оқибатида жамиятнинг бир бўғинида кемтиклик пайдо бўлади. Кимнингдир баҳти ярим, яна кимdir ота ё она меҳридан мосуво бўлади. Бундай изтиробларга тўла ҳаёт жафосидан йиғасин! Аллоҳнинг ризолиги, ота-оналаримиз розилиги, фаришталарнинг дуолари остида никоҳимиз ўқилиб, фотиҳамиз Аршда садо берган ондан бошлаб, Сиз менга шундай жуфт бўлингки, дунёдаги энг баҳтиёр инсонлар рўйхати тузилаётганда биринчи бўлиб бизнинг номимиз қайд этилсин! Ва бизга мұяссар бўлган порлок иқболдан жумлаи жаҳон ҳавасда бўлсин. Бу сизнинг менга қилган энг олий, энг бебаҳо тұхфандыз бўлади, бегим...

ДИЁРА КЕЛДИЁРОВА

рейтингда пешқадам

Мұғалистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида дзюдо бўйича «Катта Дубулга» мусобақаси бўлиб ўтди. Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакили Диёра Келдиёрова ушбу халқаро турнирда совриндор бўлди ва ўз вазн тоифаси бўйича Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) рейтингидаги пешқадамга айланди.

Буғунги кунда дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг 17 нафар вакили IJF рейтингида «Париж – 2024» Олимпиадасига йўлланма берувчи тизимдан ўрин олиб туриди. Шунга қарамай, Улан Батор «Катта Дубулга»сида ҳам, бундан олдин Тоҷикистон ва Қозогистон пойтахтларида ўтказилган Душанбе Гран-приси ва Остона «Катта Дубулга»сида ҳам Ўзбекистон терма жамоасини тўлиқ таркибда ёки етакчи полвонлари иштирокида кўрмадик. Гарчанд ушбу мусобақалар қимматли рейтинг очколарини тақдим қилишда муҳим аҳамият касб этса-да, Ўзбекистон терма жамоаси мураббийлари Мұғалистон пойтахтидаги турнирда ҳам 6 нафар дзюдоочимизга имкон беришида ва уларнинг атиги иккнинафари етакчилардан, яъни IJF рейтингида «Париж – 2024» Олимпиадаси йўлланмалари тақдим этиладиган поғоналарни эгаллаб тургандардан бўлди.

Улан Батор «Катта Дубулга»си 44 та мамлакатнинг 350 нафарга яқин дзюдоочиси иштирокида кечди. 52 кг вазн тоифасида беллашган Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази вакили Диёра Келдиёрова ярим финалгача бўлган йўлни мудаффақиатли босиб ўтди. Афсуски, ушбу босқичда Диёра

исроиллик Гефен Примога имкониятни бой бериб кўйди. Бронза медаль учун беллашувда эса армиямиз дзюдоочиси БАА вакили Хорлодои Биршентдан устун келиб, шоҳсупага кўтарилиди.

Мұғалистондаги мусобақадан сўнг Халқаро дзюдо федерацияси спортчиларнинг янгиланган рейтингини эълон қилиди. Диёранинг Улан Батор «Катта Дубулга»сида эришган натижаси унга жаҳон ва «Париж – 2024» Олимпиадаси рейтинги учун 500 очко жамғариш имконини берди. Табиийки, бу мудаффақият IJFнинг янгиланган рейтингидаги ҳам ўз аксини топди – бундан олдин 2 784 очко билан 52 кг вазн тоифасидагилар ўртасида 3-ўринни эгаллаб турган Диёра Келдиёрова 3 284 очко билан 1-погонага кўтарилиди.

Яна шуни таъкидлаш жоиз, мазкур рейтингда мамлакатимиз терма жамоаси аъзоларининг 17 нафари «Париж – 2024» Олимпиадаси йўлланмалари тақдим этиладиган худуддан жой олган ва уларнинг 8 нафари MVSM вакилларидир. Дилшодбек Баратов (-60 кг, MVSM), Муроджон Йўлдошев (-73 кг, MVSM), Давлат Бобонов (-90 кг, MVSM) ва Диёра Келдиёрова (-52 кг, MVSM) кучли ўнликдан ўрин олган бўлса, Мудаффақиат Тўрабоев (-100 кг, MVSM), Шоҳруҳ Бахтиёров (+100 кг, MVSM), Шукуржон Аминова (-57 кг, MVSM) ва Гулноза Матниёзова (-70 кг, MVSM) «Париж – 2024» Олимпиадаси йўлланмалари тақдим этиладиган поғоналарни эгаллаган.



YENGIL ATLETIKA

НАРГИЗА

иккита соврин сохиби

Қирғизистонда енгил атлетика бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз спортчилари муносиб иштирок этди. Жумладан, Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакили Наргиза Қўчқорова найза улоқтириш баҳсларида ғолиб чиқди.

1996 йилда түғилган армиямиз атлети Наргиза Қўчқорованинг халқаро майдонда тез-тез совриндор бўлишига юртимиз спорт муҳлислиги одатланиб қолишиди. Ҳусусан, у ўтган йили Туркияning Конъя шаҳрида ўтказилган V Ислом бирдамлик ўйинларида, сўнг Самарқанд шаҳри

мезбонлик қилган Марказий Осиё очиқ чемпионатида ҳам шоҳсупага кўтарилиганди. Наргиза V Ислом бирдамлик ўйинларида найзани 56,08 метрга улоқтириб, бронза медални кўлга киритган бўлса, Марказий Осиё очиқ чемпионатида 56,16 метрлик натижа билан чемпионга айланганди.

Ўтган ҳафта Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда ҳам Наргиза юртимиз бошқа атлетлари каби юқори маҳорат намойиш этди. Муҳими, MVSM вакили иккни йўналишда совриндор бўлди. У дастлаб найза улоқтиришнинг аёллар ўртасидаги яккалик баҳсларида энг яхши натижа кўрсатиб, халқаро турнирнинг олтин медали билан тақдирланди. Янада қизиги кейин рўй берди. Аслида найза улоқтирувчи бўлган атлетимиз терма жамоадошли Сабоҳат Самижонова, Раиса Дробжева ҳамда Ирина Левина билан биргалиқда халқаро турнирнинг 4x100 метрлик эстафета баҳсларида иштирок этди. Мазкур тўртлик мэррага иккинчи бўлиб етиб келиб, халқаро турнирнинг кумуш медалига сазовор бўлиши эса мутахассисларни ҳам ҳайратлантириди. Ушбу эстафетанинг эркаклар ўртасидаги баҳсларида ҳам юртимиз атлетлари юқори маҳорат намойиш этишиди – Жалолиддин Ҳамроқулов, Жавоҳир Саидаҳмедов, Алиакбар Алланазаров ҳамда Ҳабиб Соҳибназаровдан иборат жамоамис барча рақибларини ортда колдирида мусобақа ғолибига айланди.

Халқаро мусобақада яна бир қатор спортчиларимиз ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди. Жумладан, Вадим Чикалов баландликка сакраш бўйича 2,16 метр натижа қайд этиб, олтин медални кўлга киритди. Уч ҳатлаб сакрашда Шаҳзод Жўраевга тенг келадигани топилмади. З 000 метрга тўсиқлар оша югуришда Муҳаммадқодир Соатов ва Воҳид Искандаров иккинчи ва учинчи ўринни эгаллади. 100 метрга югуриш баҳсларида Ҳабиб Соҳибназаров ва Жалолиддин Ҳамроқулов мэррага биринчи ва иккинчи бўлиб етиб келиди. Хотин-қизилар ўртасида 800 метрга югуришда Сабоҳат Самижонова олтин медалга сазовор бўлди. Ядро улоқтириш баҳслари якунида Махлиё Тожалиева шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилиди. Узунликка сакрашда Раиса Дробжева энг яхши натижага эришиди.

ШОҲСУПА

(хабарлар)



БОКС

Қозогистоннинг Остона шаҳрида 10 дан ортиқ мамлакатнинг 200 нафарга яқин боксчиси иштирокида «Елорда кубоги» халқаро турнири ўтказилди. Таркибидан Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) ҷарм қўлқоп усталари ҳам ўрин олган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари мусобақанинг 3 та олтин, битта кумуш ва 3 та бронза медалини кўлга киритди. Дилшод Абдулмуродов (-60 кг), Ҳавасбек Асадуллаев (-71 кг), Жаҳонгир Зокиров (+92 кг) олтин, Жасурбек Йўлдошев (-80 кг) кумуш, Асилбек Жалилов (-51 кг), Тўрабек Ҳабибуллаев (-80 кг) ва Нурсратбек Тоҳиров (-92 кг) бронза медалга сазовор бўлди.



КУРАШ

Польшанинг Краков ва Малопольска шаҳарлари мезбонлик қилган З-Европа ўйинларида ўзбек миллий спорти, яъни кураштақдимоти бўлиб ўтди. Кўхна қитъанинг 50 га яқин давлати спортчилари иштирокида кечган ўйинлар дойрасидаги мазкур тақдимот Европа очиқ чемпионати шаклида ташкил этилди. Халқаро кураш ассоциацияси, Европа кураш конфедерацияси ҳамда Ўзбекистон кураш федерацияси, шунингдек юртимизнинг Польшадаги элчиҳонаси ҳамкорлигида ўтказилган очиқ чемпионатда европалик донгдор полвонлар қатнашди.



ОТ СПОРТИ

Иқтидорли чавандозимиз Фирдавсбек Давронбеков Россиянинг энг сара ёш чавандозлари иштирокидаги «Maxima Masters» мусобақасининг ёшлар ўртасидаги босқичида тенгсиз бўлди. Давронбеков ушбу мудаффақиятга «Гендулайн» лақабли тулпори билан 85–95 см баландликдаги тўсиқлардан сакраш дастури бўйича баҳсларда эришиди. Ибрөҳим Йўлдошев, Бекзод Рўзимуҳамедов ва Аъзам Толибовдан иборат чавандозларимиз эса тўсиқ баландлиги 130 см.ни ташкил этган жамоавий беллашувларда фаҳрли 3-ўринни эгаллади.



ПРОФЕССИОНАЛ БОКС

АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида профессионал бокс бўйича «UFC Vegas 76» турнири бўлиб ўтди. «UFC Apex» аренасида кечган мусобақанинг асосий кардидағи жанг ҳамюртимиз Нурсултон Рўзибоев ва бразилиялик Бруно Феррейра ўртасида бўлди. «UFC»даги ilk жанг бўлишига қарамасдан маҳоратли боксчимиз мазкур баҳса ишончли ҳаракат қилди ва рақиби устидан муддатидан аввал ғалаба қозонди. У, ўз навбатида, турнирда ёрқин жанг кўрсатгани учун тўрт нафар жангчи ташкилотчилар томонидан бонусга ҳам эга бўлди.



ФУТБОЛ

Ўтган мавсумнинг иккинчи ярмини Италияниң «Спэция» жамоаси сафида ўтказган Элдор Шомуродов Римнинг «Рома» клубига қайтиди. «Спэция» ўзбекистонлик хужумчини шу йилнинг 30 январида мавсум сўнгига қадар «Рома»дан ижарага олганди. Ушбу битим 30 июнда ўз якунига етиди. Шомуродов «Спэция» сафида 16 та ўйинда майдонга тушиб, битта гол ва 2 та голли узатмага муаллифлик қилди. Эслатиб ўтамиз, Шомуродовнинг «Рома» билан шартномаси 2026 йил 30 июнга қадар амал қиласди.



ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАК ЎРТАСИДАГИ ҚҮПРИК

Ўтмиш ва келажакни боғлаб турувчи, тарихни бугунга элтувчи муҳим манбалар борки, уларнинг йилдан йилга, асрдан асрга талафотсиз ўтиб келишида ана шу воситаларнинг ўрни ва ҳиссаси беқиёс. Қадим тарихимизнинг нодир манба ва қўлёзмаларини авлодларга етказиб бериш, уларнинг асл нусхаларини сақлаш бўйича мамлакатимизда самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу йўлдаги хайрли қадамлардан биридир. Мазкур фармон ва соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, Мудофаа вазирлиги Марказий давлат архиви 2021 йилдан бўён янги, замонавий бинода ўз фаолиятини юритиб келмоқда.

Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсақ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий давлат архиви 1941 йили Туркистон ҳарбий округи таркибида Отдел архивов штаба Туркестанского военного округа номи билан ташкил этилган бўлиб, бугунгача турли ҳудудларда фаолият юритиб келар эди. 1941–1991 йиллар давомида архив Туркистон ҳарбий округи ҳарбий қисм ва муассасаларида мавжуд бўлган архив ҳужжатларини қабул қилиб, унинг ҳисобини юритган ва сақлаган. Ўша йиллари архивга қабул қилинган ҳужжатлар 3 йил мобайнида сақланар, сўнгра Москва вилоятининг Подольск шаҳрида жойлашган ССРР Мудофаа вазирлиги Марказий архивига сақлаш учун юборилар эди. 1991 йилдан кейин ўз номини ўзгартирган ва қайтадан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий давлат архиви ҳозирги кунга қадар ҳарбий қисм ва муассасалардан архив ҳужжатларини қабул қилиб, унинг ҳисобини юритади ҳамда ҳужжатларни асл ҳолатида сақлади.

Йиллар давомида архив муқим бинога, қўлёзма ва ҳужжатларни асл ҳолатида сақлаш учун керак бўладиган ускуналарга эга бўлмагани туфайли бир талай муаммолар қуршовида қолиб келар эди. Ҳозирги кунда эса Марказий давлат архиви ўз тарихидаги энг замонавий ва илғор технологиялар асосидаги бинога эга бўлиб, замон талабларига тўла жавоб бера оладиган шарт-шароитлар билан тўлиқ таъминланган холда, ўз фаолиятини юритиб келмоқда.

Янги кўринишдаги Марказий давлат архивида замонавий форматдаги архив сақловхонаси, ходимлар учун алоҳида иш хоналари, архив ҳужжатларини қабул қилиш ва вақтинча

сақлаш, мақбул иқлим яратиш учун хоналар, ўқув ва фуқароларни қабул қилиш хоналари мавжуд. Мажмуа ўзига хос стеллажлар, ўт ўчириш воситалари, видеокузатув ҳамда муқобил ҳароратни ушлаб турувчи ҳаво алмаштириш тизимлари билан жиҳозланган. Бу эса, ўз навбатида, тарихий ҳужжатларнинг узоқ ва яхши ҳолатда сақланишини кафолатлади.

– Бугунги кунда Марказий давлат архиви шахсий таркиби республикамиз Миллий архив фондини юритиш, сақлаш ва ривожланишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий давлат архиви бошлиғи подполковник Зафар Машрапов. – Архив шахсий таркиби ўзининг касбий маҳорати ва ғайрати билан ҳозирги кунгача тарихий, ҳарбий, сиёсий, илмий ва ижтимоий-маданий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни сақлаб келяпти.

Таъкидлаш жоизки, Мудофаа вазирлиги Марказий давлат архивида 1918, 1920, 1939, 1945 йилларга тегишили кўплаб қимматли ҳужжатлар мавжуд ва ҳозирга қадар асл ҳолатида сақлаб келинмоқда. Улардан Андижон ҳарбий комиссариатига тегишили, 1918 йилга тааллуқли бўлган 339 та йиғмажилд, 1920–1940 йиллардаги Туркистон ҳарбий округи қўймондонининг 154 та йиғмажилдан иборат бўйруқлари, 1953 йилдан бошлаб Туркистон ҳарбий округига доир ҳамда 1991 йилдан бошлаб Мудофаа вазирлиги қўшинларига доир архив ҳужжатлари сақланади. Шунингдек, жами 138 мингдан ортиқ йиғмажилд, З мингдан ортиқ ҳарбий қисм ва муассаса фонди ушбу мажмуя бағридан жой олган.

УЙМІЗДАГИ ЯШІРІК

«ДУШМАН»ЛАР

Соғлом турмуш тарзининг асосий шарти үлароқ тоза ва мусаффо ҳаво ҳамда имкон қадар табиий мұхит күрсатилади. Тозалик мавжуд моддаларнинг улусыга боғлиқ. Бошқача айтганда, бирор кимёвий модда улусы мәйеरидан ошса ёки камайса, заарарни көлтириб чиқаради. Ҳар бир модданинг фойда ёки зарар эканы рұхсат этилған миқдорига күра белгиланади.

Хатто турмушимизда құлланиладиган маҳсулот ва истемол қилинадиган озиқ-овқаттар таркибидаги кимёвий моддалар мәйеरден ошган тақдирда захарга айланиши мүмкін.

Табиий йүл билан парчаланмайдын, бирикіб маълум миқдордан ошганида салбий таъсир күрсатадын моддалар инсон саломатлығы учун хавфли ҳисобланады. Аксарият инсонларда ёш үтгач, истемол қилинган кимёвий моддалар миқдори рұхсат этилған дараражадан ошиб кетады. Баъзда эса истемол маҳсулотлари таркибидаги захарлы моддалар бир-біріннен күчини ошириб, организмге салбий таъсир күрсатады. Натижада касаллуклар келиб чиқады. Бундай нохушликтерден сақланиш учун салбий таъсирі кам ва умр бүйін истемол қилинганда ҳам, таркибидаги элементлар миқдори белгиланған мәйеरден ошиб кетмайдын моддалардан фойдаланыш лозим. Бұннинг учун, албатта, истемол қилинадын моддалар таркиби ва заарсизлик чегарасини яхши билиш керак. Белгиланған мәйеरни назарға олмай, «бу фойдалы, буниси эса заарлы», деб барча нарсаны иккиге ажратыб күйиш ҳам нотұғры.

Ҳа, ҳәётимизнинг күп қисми үй ва ишхонада үтады. Шу каби жойларда ҳам мазкур хавф-хатарларға баеътибор бўлмаган маъқул. Кундалик ҳәётимизда учувчан газлар (хлорид кислота буғлари), углерод монооксид (CO) ва ҳашаротларға қарши құлланиладын түрли дори воситалари каби уч мингдан ортиқ органик модда бизга таъсир үтказади. Бу органик моддалар ўрганилганда, 30 та газнинг канцероген (хавфли үсма касалини көлтириб чиқарувчи) хусусият аникланған. Яна тадқиқотлар шуны қўрсатдик, үй шароитида ҳавонинг ифлосланиши асосан тозалик ва косметика воситаларида ишлатиладын заарарлы моддалар натижасыда юзага келар экан.

Сүнгги маълумотларга кўра:

- канцероген модда бўлган бензапирен-нинг 45 фоизи сигарет орқали;
- 36 фоизи автомобиллардан чиқадиган газлардан;
- 16 фоизи парфюмерия, косметика ва бошқа тозалик воситалари, ксерокопия ёки принтер кукуни ҳамда ҳашарот үлдирувчи инсектицидлар орқали;
- 3 фоизи саноат ишлаб чиқарыш тармоқлари орқали организмга киради.

Шундай экан, тамаки чекиш орқали ҳавонинг ифлосланишига қарши камида экологияни бузувчи түрли хил заводларга қарши олиб бориладын саъй-харакатлар лозим.

Бир қатор учувчан газлар үларда ҳам күп миқдорда бўлиши мүмкін. Масалан, қуруқ тозалашда ишлатиладын тетрахлор-этлен, ҳожатхона ва ювиниш хоналари жихозларини тозалайдын воситалар, хушбўй ҳидли моддалар таркибида бўлувчи парадихлор бензол кабилар ҳавфли үсмани көлтириб чиқарувчи моддалар қаторига киради.

Баъзи кимёвий моддалар газ ҳолатида ҳавога аралашади. Шу билан бирга, тозалаш ишларида күп ишлатиладын ҳлор ҳам ҳавфли. Уни ишлатаётганды иложи борича маҳсус никоблардан фойдаланиш керак. Хусусан, ҳомиладор аёллар бундай модда-

ларни ишлатаётганды эхтиёт чораларини кўришлари талаб этилади.

Сув тозалашда ишлатиладын ҳлор, аччиқтош, оҳак каби моддаларнинг ҳам соғлиққа зарари бор. Шуннинг учун агар сув оҳакли ёки ҳлорли бўлса, уни истемол қилмаган маъқул. Майший қувур сувларидан эса қайнатиб фойдаланиш керак. Шунингдек, кўп миқдордаги ҳлорли сувда душ олиш тавсия этилмайди.

Газ плита ва ўчиқлардан билинар-билинмас чиқадын газлар заараридан сақланиш учун ошхонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Ҳашаротларга қарши ишлатиладын пестицидлар таркибидаги хлорицол тиббий жиҳатдан захарли таъсирга эга. Уннинг маълум бир қисми очик ҳаво ёки күёш нурида бактериялар томонидан парчаланиб, заарсиз ҳолга көлтирилади. Аммо уйнинг ҳаво алмашмайдын, салқин жойлари, гиламнинг туклари орасида қолган пестицидлар ийлаб парчаланмай ётиши ҳам мүмкін. Яна гиламлар орасида яшайдын майда ҳашарот ва چанглар ҳам заарарли ҳисобланади. Ёш болалар гилам устида ўйнаётганида ёки эмаклаганида ана шундай майда ҳашарот ва چангларни ютиши эхтимолдан холи эмас. Шу сабабли гиламнинг тозалиги мұхим аҳамият касб этади. Айниқса, иш жойлари, пойафзал билан юриладын гиламлар ўзига жуда күп миқдорда заарарли چангларни тўплайди.

АҚШда ўтказилган тадқиқотлар چанг таркибида полиброминнат дифелинетир ($PBDE$ – *polybrominated diphenyl ethers*) номли жуда ҳавфли модда борлигини аниклади. Ёш болалар бир кунда ўртача 6 000 нанограммдан кўпроқ кимёвий моддани нафас олиш орқали ичларига ютишади. «Биз бу дараражадаги модда қанчалик салбий таъсир кўрсатишини ҳозирча аниқ айттолмаймиз», дейди изланиши олиб бораётган гуруҳ бошлиғи Хизер Степлитон (*Hether Stapleton*). «Натижалар шуну қўрсатдик, PBDE моддаси асосан ўйдаги жиҳозлар: мебель, гилам, телевизор ва компьютерларда кўп учар экан. Уннинг овқат, кон ва она сути таркибида ҳам учраши кишини ташвишлантиради.

Ҳозирда АҚШдаги 3 000 га яқин ҳавфли үсма касалига чалиниш ҳолатларига гиламдан чиқадын چанг сабаб бўлгани тахмин қилинмоқда». Уй шароитида барча воситалардан ажраладын бензапиреннинг кунлик ўртача миқдори 110 нанограммга (учта сигарет таркибидаги миқдорга) тенг. Гиламдаги چанглар ўзида кадмий, кўрғошин каби оғир металл چанглари, полихлоринат бифениллар каби захарли моддаларни сақлаши мүмкін. Гиламлар, айниқса астма ва аллергияни қўзғайдын бактериялар учун жуда севимли макон ҳисобланади.

Маълумот учун айтиш мүмкінки, косметика саноатида ишлатиладын моддаларнинг 95 фоизи нефтдан олинади. Канцероген ва нейротоксик хусусиятларга эга косметик воситалар түғма нуқсон ва асаб тизими касаллукларини ҳам көлтириб чиқариши мүмкін. Маркази АҚШда жойлашган озиқ-овқат ва дориларни назорат қилиш билан шуғулланувчи ташкилот (*FDA – Food*

and Drug Administration

) маълумотига кўра, пардоз-андозда ишлатиладын 138 та ва бошқа спрейли атир (дезодорантлар) санаотида қўлланиладын 20 та модданинг заарарли хусусияти бор экан. Кирларни юмшатувчи воситаларда ҳлороформ, хона дезодорантларида эса канцероген модда – парадихлор бензол мавжуд экани ҳам қайд этилған. Бироқ бу моддаларнинг инсон умри давомида заарсизлик чегараси ҳакида ҳозирча аниқ бир хуласага келинмаган.

Тўғри, ҳәётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб борган кўплаб заарарли кимёвий моддалардан ваҳимага тушмаслик мүмкін эмас, албатта. Ҳозирда бу моддаларнинг белгиланған мәйеरларини аниқлаш ва соғлиққа заарарли деб топилган миқдордан ошмаслиги учун профилактик чораларни ишлаб чиқиши борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Кимёвий моддаларнинг заарарли мәйерини аниқ билмаганимиз ҳолда, уларнинг салбий таъсирдан сақланиш учун аввало:

- таркибида заарарли моддалар бўлган маҳсулотларни имкон қадар ишлатмаслик керак. Эхтиёт туғилган ҳолатларда маҳсулот этикеткаси ёки қўлланмасига қараб, керакли эхтиёт чораларини қўллаш лозим;
- сунъий парфюмерия ўрнига табиий парфюмериялардан фойдаланиш, мақсадга мувофиқ;
- уй тозалиги, айниқса гилам, шкаф каби чанг йиғиладиган жойларга алоҳида эътибор беришмиз шарт;
- майший қувур сувларини қайнатиб ёки маҳсус қадоқланған сувлардан фойдаланиш лозим.

Ривожланған мамлакатларда фойдаланашига яроқсиз деб топилган ёки тақиқланған кўпгина кимёвий моддалар ривожланётган мамлакатларда ҳали ҳам кенг кўламда ишлатиб келинмоқда. Шу боис таркибида кимёвий модда бўлган маҳсулотларни харид қилишда эътибор билан ёндашиш фойдадан холи эмас.

Дуч келиш мүмкін бўлган баъзи кимёвий моддалар ва уларнинг қаерда мавжудлиги ҳакида қўйида берилётган маълумотлар сизга ёрдам беради:

1. **Ацетон:** бўёқ, кир ювиш кукуни, идиш ювиш гели ва дезодорантларда учрайди. Оғиз куриши, кўнгил айниши, қайт қилишини көлтириб чиқаради. Асаб тизими салбий таъсир этади.

2. **Бензальдегид:** соч спрейи, оқартирувчилар, соч креми ва шампунларда учрайди. Кўз, тери, ўпка учун заарарли наркотик ҳисобланади.

3. **Бензилацетат:** парфюмерия, юмшатувчилар, совун спрейи, оқартирувчилар таркибида мавжуд бўлиб, канцероген модда ҳисобланади.

4. **Камфора:** парфюмерия, крем косметика воситаларида учрайди. Нафас йўлларига кириши инсон саломатлиғи учун ҳавфли.

5. **Этанол:** аксар косметика ва тозалик воситаларида учрайди. Ҳолсизлик ва асаб тизими касаллукларини көлтириб чиқаради.

6. **Лимонен:** косметикада ишлатилади. Кўз ва тери учун заарарли. Ҳидлаш мүмкін эмас.

7. **Апинен, терпинен, а-терпинеол:** косметикада ишлатиладын кимёвий моддалар.

Нуриддин ҚОСИМОВ,
шифокор

Ёз мавсумида ҳарбий хизматчиларнинг тоғли ва чўл жойларда дала-ўқув машғулотларини ўташи даврида заҳарли ҳашаротлар ёки илонлар чақиши мумкин. Бундай ҳолатлар уларнинг ҳаётига хавф солиб, салбий оқибатларга олиб келиш эҳтимоли юкори.



Ер шарида ўргимчаксимон ва чаёнлар оиласига мансуб заҳарли ҳашаротларнинг бир неча тури учрайди. Минтакамизда кўпчиликка таниш бўлган чаён ва қорақурт алоҳида аҳамиятга эга, чунки мутахассислар ушбу ҳашаротларнинг фаоллашуви кўпроқ ёз мавсумида кузатилишини ва уларнинг чақишидан эҳтиёт бўлишни маслаҳат беради.

Чаёнлар иқлим шароити илиқ ёки иссиқ бўлган жойлардан макон топган умуртқасиз ҳашаротлардир. Улар ҳеч қачон инсонга ҳамла қилмайди, аксинча уларнинг чақиши ўз-ўзини ҳимоя қилиш усули деб ҳисобланади. Чаёнлар асосан ёзниг иссиқ мавсумида фаоллашиб, тунда овга чиқадилар. Уларнинг асосий озуқаси турли ўргимчаксимонлар, ҳашаротлар, ҳаттоқи сичқонлар ҳам бўлиши мумкин. Чаёнларнинг табиий душманлари – қушлар, калтакесаклар, бешиктебратар ва айрим ўргимчаксимонлар ҳисобланади. Шу сабабли табиий душманлари бор жойларда уларнинг сони кескин камайиб кетади.

Чаёнлар очликка жуда чидамли бўлиб, бир неча ойдан бир ярим йилгача овқат ва сувсиз яшаши мумкин. Кундуз кунлари улар тош остида, турли кемирувчиларнинг ини, ташландиқ бинолар ичи, горлар каби пана жойларда, чўлларда эса қум остига кўмилиб яшириниб олади. Ўзи учун номақбул (ўта иссиқ ёки совук ҳарорат) шароитда ҳаракатсиз (каталепсия) ҳолатига туша олиш қобилиятига эга, мабодо одам билмасдан чаёнларни босиб олса, уларни ўлган деб ушламоқчи бўлса ёки тегиб кетса, улар ўз ҳимоя воситасини ишга солади, яъни нишини санчишга ҳаракат қилади. Нишини санчиб, заҳар сочган чаён кўпи билан бир-икки кун муддат ўтгач, ҳалок бўлади. Инсон танасида чаён чақкан жойнинг териси қизизиди, қичишади, қизариб шишади, кучли оғриқ пайдо бўлиб, бутун тана бўйлаб тарқалади. Одам қаттиқ ваҳимага тушади, кучли руҳий қўзғалиш ва қўрқув ҳисси, оёқлар увишиши, оёқда тура олмаслик, тана ҳароратининг кўтарилиши, бош оғриши ва айланishi, нафас қисиши ва қалтираш аломатлари пайдо бўлади. Бундай ҳолат 10 кундан ортиқ давом этади. Ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилган тақдирда, орадан 3–5 кун муддат ўтгач, бутун бадан териси бўйлаб тошмалар пайдо бўлади ва ахволи яхшилана боради, тўлиқ соғайиш бир ойдан кўпроқ вақтгacha чўзилади.

Жазирама иссиқ кунларда илонлар ҳам фаоллашади. Ер юзида ўртача 600 дан ортиқ турдаги илон бўлиб, шулардан ярми заҳарли ҳисобланади. Илонлар орасида энг ҳавфлилари кобра (кўзойнакли илон), Ўрта Осиё илони (горза) ҳамда қум эфосидир. Ушбу илонлар тоғли ва қумли жойларда, горлардаги тошлар орасида яшаб кун кўради. Илонлар сувга яқин жойларда



ЗАҲАРЛИ ҲАШАРОТ ВА ИЛОНЛАР ЧАҚИШИДАН САҚЛАНИНГ

кечқурун ёки эрталаб овга чиқади. Қушлар, уларнинг полапонлари ва тухумлари, ҳар хил кемирувчилар, қурбақа ва ҳашаротлар билан озиқланади. Одатда, илонлар одамларга ҳужум қилмайди, балки ўзини ёки ўлжасини ҳимоя қилиш мақсадида ҳамла қилиши мумкин.

Илон заҳрининг кучи илоннинг турига, асабий ҳолатига, катталигига ҳамда йилнинг фаслига боғлиқ бўлади. Ёзниг жазирама кунларида илоннинг заҳри ўта кучли бўлади. Илонлар заҳрининг организмга таъсири ҳам бир хил эмас, масалан, кобра чаққанда одам организмиди биринчи дақиқаларда чаққан жойда оғриқ пайдо бўлади, тез орада оғриқ оёқ-кўл ва бутун танага тарқалади, 15–20 дақиқадан сўнг юрак-қон томир ва нафас етишмовчилиги бошланади ва кучайib боради. Жабрланувчига вақтида махсус тиббий ёрдам кўрсатилмаса, 12–18 соатдан сўнг унинг танасида тиклаб бўлмас ўзгаришлар юз беради.

Гюрза чаққанда тез орада юмшоқ тўқималарга қон қўйилиши ва шишиши кузатилади. Инсон танасида умумий заҳарланиш аломатлари юз беради, яъни беморнинг боши айланади, кўнгли айнийди, қусади, қон босими пасаяди ва бемор хушидан кетади. Жароҳат жойида ва унинг атрофидаги юмшоқ тўқималарнинг некрозга учраши юз беради. Организмда сув алмашинувининг бузилиши туфайли қон томирларида қоннинг ивиши кузатилади. Илон заҳрининг таъсири одамнинг қайси жойини чаққанига ҳам боғлиқ. Инсоннинг боши ёки бўйин қисмини чақиши ўта хавфли ҳисобланади, чунки илон заҳри қон орқали инсон миясининг ҳаётий мұхим бўлган марказларига тез етиб боради ва уларнинг фаолиятини бузади.

Заҳарли ҳашаротлар ёки илон чаққанда жароҳат оқибатларининг олдини олиш мақсадида тез фурсатда жабрланганга ёрдам кўрсатиш талаб этилади. Бунинг учун биринчи ўринда шикастланган кишини кўп ҳаракатлантирмасдан соя жойга олиб ўтиб ётқизилади, шикастланган жойини ҳаракатлантирмаслик учун ёғоч ёки дараҳт шохи ёрдамида маҳкамланади, чунки шу соҳада қанча кўп ҳаракат бўлса, заҳар шунча кўп миқдорда лимфа орқали

умумий қон тизимиға ўтади ва умумий заҳарланиш кўпроқ тус олиб боради. Жабрланган шахсга кўп миқдорда суюқлик (чой, сут, минерал ёки оддий сув) берилади. Илон чаққан инсонга биринчи ёрдам кўрсатиш учун, энг аввало, жароҳат жойини сўриб, кейин туфлаб ташлаш лозим. Жароҳат ўрнига йод, бриллиант яшили ёки одеколон билан ишлов берилиб, стерил дока ёрдамида боғлаб қўйиш тавсия этилади. Беморни тезда шифохонага етказиш талаб этилади, чунки заҳарга қарши зардоб билан қанча вақтли эмланса, bemorning ҳаётини саклаб қолиш учун имконият шунча кўп бўлади.

Жабрланувчига биринчи ёрдам кўрсатишида қўйидагилар тақиқланади:

беморга спиртли ичимлик ичириш мумкин эмас, чунки спирт заҳар таъсирини кучайтиради ва унинг сўрилишини тезлаштиради;

заҳарли ҳашарот ёки илон чаққан кўл ёки оёққа жгут қўйиш мумкин эмас, чунки чуқур жойлашган қон томирлари орқали заҳарнинг тарқалиши давом этаверади, айни пайтда жароҳат жойида қон таъминотининг бузилиши туфайли тўқималарнинг некрозга учрашига сабаб бўлади;

жароҳат жойига заҳарнинг таъсирини камайтириш учун темирни қиздириб босиш, кислота, ишкор, порох ёки қайнатилган ёғ ёрдамида кўйидириш мумкин эмас, чунки бу ҳолат жароҳат атрофидаги тўқималарнинг ўлишига ва bemor ахволининг янада оғирлашишига олиб келади.

Заҳарли ҳашарот ва илонлар чақишининг олдини олиш учун қўйидаги маслаҳатларга амал қилиш тавсия этилади:

тоғли ҳудудларда шахсий таркибининг ҳаракатланиши жараёнида сўқмоқларни таёклар ёрдамида текшириб бориш, вақтнча дам олиш масканларини синчиклаб кўздан кечириш;

тоғ ва чўл жойларда ҳаракатланганда имкон даражасида қўй подалари ўтган жойлардан юриш тавсия этилади, чунки заҳарли ҳашаротлар ва илонлар қўй терисининг ҳидини ёқтиримайди;

шахсий таркиби жойлаштириш учун буғдойзор, қамишзор, ариқ бўйи, жар ёқалари, ташландик бинолар, кемирувчилар инларига яқин бўлган жойларда иложи борича чодир ўрнатмаслик, мабодо чодир ўрнатилган тақдирда, унинг четини кўмид, атрофи бўйлаб қўй гўнги ёки жунини сепиб чиқиш;

номаълум ҳашаротлар ёки илонлар учраган тақдирда, уларни ушлаб кўришга, тутишга ҳаракат қилмаслик, ҳамла қилишга тайёр турган ҳашарот ва илонлардан дарҳол узоклашиш;

текширилмаган жойларда дам олиш учун вақтнча жойлашиш, кийим-кечак ва этикларни ечиш ва оёқ кийимсиз юришга руҳсат бермаслик.

Юқоридаги тавсияларга амал қилиш билангина, бўлажак ҳавфни бартараф этган бўламиз.

**Тиббий хизмат подполковники
И. АБДУКАРИМОВ,
Мудофаа вазирлиги
Санитария-эпидемиология
назорати маркази
бўлинмаси бошлиғи.
Б. АХМЕДОВ,
марказ врач-мутахассиси**

ЁНГИНГА

ҚАРШИ ПРОФИЛАКТИКА

Мудофаа вазирлиги кўшинларида шахсий таркиб хавфсизлигини таъминлаш, бино ва иншоотларда содир этилиши мумкин бўлган табиий ва техноген фавқулодда ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган ишлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Жумладан, ёз мавсумида ҳаво ҳароратининг кескин исиши натижасида содир бўлиши мумкин бўлган оғатларнинг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг 15 июнидан 15 сентябрига қадар ёнгинга қарши профилактик тадбирларни ўтказиш белгиланган.



машғулотларда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёнгинга қарши профилактик тадбирларни юқори савида ўтказиш, маший электр мосламаларидан тўғри фойдаланиш, уларни назоратсиз қолдирмаслик хақида огоҳликка чақириди.

Ўқув машғулоти давомида асосий эътибор биринчирилган ҳудудларда тез ёниши ва фавқулодда ҳолатни юзага келтириши мумкин бўлган чиқиндилардан мунтазам равишда тозалаш ишларини олиб боришда ҳарбий хизматчиларнинг масъулиятини оширишга қаратилди.

Шунингдек, қатнашчиларга ёнгин хавфсизлиги бўйича бирламчи ҳамда маҳсус ёнгин ўчириш техникаларининг тактик-техник имкониятлари намойиш этилди.

Подполковник Ўқтам ХАИТОВ

ASR VABOSI

ИШТИРОКИМИЗ

ЖУДА МУҲИМ

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Кичик мутахассислар тайёrlаш марказида Самарқанд ҳарбий прокуратураси, вилоят наркология диспансери, ОИТСга қарши курашиб маркази ҳамкорлигига «Гиёҳвандлик ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари» мавзусида семинар ташкил этилди.



Тадбирда сўзга чиққанлар гиёҳвандлик моддаларининг мунтазам қабул қилиниши асаб ва руҳий касалликлар, меҳнат лаёқатининг пасайиши ёки меҳнат лаёқатсизлиги, муддатидан олдин қариш, ассоциал одатларнинг шаклланиши, шахс деградацияси натижасида жиноий ҳаракатларнинг содир этилишини таъкидладилар.

Гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний тарқатилиши билан боғлиқ жиноятлар, жиноятчи ҳаракатлари тавсифи бўйича мутлақ тарзда ўзаро бошқа жиноятлардан фарқланса-да, уларда асосий умумийлик мавжуд. Яъни аҳоли саломатлигига путур етказиш ҳамда организма қисқа муддатли, бироқ кўнишка ҳосил қилувчи таъсирга эга касаллик наркоманияни келтириб чиқарувчи тақиқланган моддаларнинг ноқонуний тарқатилишидир.

Маълумотларга кўра, дунёда гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчилар сони 10 йил ичидаги 23 фоизга ўсиб, 240 миллиондан 296 миллион нафарга етган. Шунингдек, бу иллат билан боғлиқ касалликлардан азият чекувчилар 2011 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда 45 фоизга ошиб, 39,5 миллион кишини ташкил этган. Гарчи юртимизда гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ таҳдидга қарши курашда мавжуд барча ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий имкониятлардан фойдаланилса-да, «аср вабоси» чекинмаятти. Шунинг учун бу курашда ҳар биримизнинг иштирокимиз жуда муҳим.

Подполковник
Адиз НАВРЎЗОВ,
Куролли Кучлар Кичик
мутахассислар тайёrlаш
маркази бўлим бошлиғи





Сариштали үйнинг фариштаси

Аёл киши учун энг юксак мартаба, энг олий нуфуз нима эканини биласизми? Албатта, аёллик бахти ва бекалик ўрни. Оддийгина бекалик илмини англамаганлар аёллик бахтини тўла ҳис қилмаганлардир. Бекалик ҳам илм бўлар эканми, дея ўйга ботдингизми, замондош? Бугунги мулоҳазаларимизни мушоҳада этсангиз, сиз ҳам бекаликнинг жуда мураккаб илм эканига иқорор бўласиз.

Яқинда Аъзамжон Қурбонов исмли хорижда таҳсил олаётган ўзбек ватандошимиз билан интернет орқали мулоқотда бўлганимизда, у дабдурустдан шундай деб қолди:

– Бизнинг зиёли, ўқимишли қизларимизда бир нуқсон кузатилади, у қусур пировардида қизларимизнинг бахти кемтикланиб қолиши ҳеч гап эмас. Қайси куни тўртта тилда бемалол гаплаша оладиган, магистратура таҳсилини тугаллаш арафасида турган зиёли ўзбек қизи билан танишиб, гаплашиб қолдим. Суҳбатнинг бошидаёқ қиздан ҳафсалам пир бўлди. Нима эмиш, тўрт тилда бемалол суҳбатлаша оладиган, қўш-қўш дипломли қиз овқат қилишни билмас экан. «Чой дамлашни ҳам билмаслигиниз аниқ, чунки сизлар оддий деб билган чой дамлаш энг мураккаб овқатларни тайёрлашдан ҳам кўра қийинроқ», дедим унга.

Ачинарлиси, у овқат пиширолмаслигини мақтани айтгандек бўлди. Бу жуда хунук ҳолат. Қиз бола, аёл кишидан ҳеч ким унинг дипломини, нечта тилни билиб, қайси хорижий давлатда ўқиганини суриштирмайди. Аёлнинг зийнати – рўзгор тутумию уй бекалигида. Эркак кишининг кўнглига ошқозон орқали йўл топилади, деган гап бор. Бу кимлар учундир кулгили, юмористик кайфиятдаги гап бўлиши мумкин, аммо эркакларнинг бир вакили сифатида бу гапнинг айни ҳақиқат эканини тан оламан. Аёлнинг уй тутуми, пазандалиги, чеварлиги ва албатта, ширин сўзию хушмуомаласи бўлмаса, бахтини ҳам, эрини ҳам бой бериши аниқ. Зиёли қизларимиз шу нарсаларни унутмаганликлари маъқулмиди, дейман. Чунки аҳамият берилса, ўқиб, касбу корли бўлган аксарият қизларимизнинг шахсий ҳаёти ҳавас қиласи әмас. Ҳалиги қиз билан бўлган қисқагина суҳбатдан, ўқимишли қизларнинг бахти кулмай, шахсий ҳаёти ўнгланмаслиги

сабабини бироз англагандай бўлдим. Тўғри, ҳамма ўқиган қизлар ҳам шундай деёлмайман-у, лекин мен шундайларнинг кўпини кўрганман. Ўқиган қизлар ўқимаганларидан кўра фаросатли, оқила ва оила мустаҳкамлигини таъминловчи омилларни яхши уқсан бўлишлари керак эмасми?.. Кейинги пайтларда шу нарсалар ҳақида кўп ўйлайдиган бўлдим...

Дўстимиз ҳақ. Айнан шундай қиз-аёлларни сизу биз ҳам кўп кўрганмиз. Ундалар узун-узун тирноқларига маҳлиё бўлиб, кўзгу қаршисида ўзларига оро беришдан бери келмайдилар. Ошхонага ўтсалар, чиройли уст-бошларига ёғ ҳиди қўниши мумкин, қолаверса, қўли косов, сочи супурги, деган ибора уларга ёқмайди. Хонимларнинг кўли косов эмас, момик, бармоқлари узун-узун, чиройли бўлиши керак. Ва ҳоказо ва ҳоказо...

– Бир дугонам бор, аспирант, яқинда филология фанлари номзоди бўлади, – дейди ҳамкасларимиздан бироғриниб. – Ўйига кириб борсангиз, бўсағадаёқ бурнингизга кўланса хид урилади. Xоналар ивирсиб ётиби. Ошхона анжомларининг бетартиблиги, овқат қолдиклари қотиб қолган идиштовоқларнинг ноҳуш кўринишидан кўнгил ағдарилгудек бўлади. Шу туришида қачон қараманг, қайнонасию қайнбўйинлари, эридан шикоят қилиб юради. Унинг дийдиёларини эшига туриб, «сени хотин, келин қилиб юрган ўша эрингу қайнонангга раҳмат», дегим келади. Уй юмушларининг ўзи қанча вақтни олади? Овқатлангандага фойдаланилган идишларни дастурхон йиғиширилгач, беш-ён дақиқада ювиб кўйиш, атиги икки хонали уйни бор-йўғи ярим соатда саранжомлаш мумкин-ку! Аспирант хонимнинг кўчада юришларини кўрсангиз, нақ дунё гўзали дейсиз. Кийимларининг рангига пояфзаларию сумкаларидан тортиб, кўзларидаги, ҳаттоки тирноқларидаги

бўёқлари ҳам мутаносиб. Соч турмакларининг ўзига гўзаллик салони ходимлари нақ икки соат вақт ажратишади. Аммо дугонамизнинг ўзлари уй юмушларига ҳафтада атиги бир кун ҳам ажратмайдилар.

– Ундалар ҳозир кўпайиб кетган, – дейди суҳбатга бошқа ҳамкасб опамиз аралашиб. – Кўчада қўғирчоғу, уйда ивирсиклардан бирининг ўйида яқинда меҳмон бўлдим. Айтсан ишонмайсиз, уй анжомлари, рўзгор буюмларининг ҳаммаси хорижники. Гиламу пардалар, мебелу чойшабларнинг барида ранглар мос тушган. Лекин хориждан келтирилган мебелларнинг устидаги чандан яқин орада артилмагани билинади. Сиз айтгандай, ошхонага мўралаб бўлмайди. Бир ойлик идишлар ювуқсиз туриби, десам, ёлғончи бўлмайман. Шунаقا, бъязи хонимларнинг усти ялтироғу, ичи қалтироқ экан...

Аёл кишига ёр ўйида бахт битилган. Бошқачасига бахтли бўлмайди у. Қиз бола борган жойида ўз бахтини, ҳурмат-эътиборини ширин тили, пазандалигию чеварлиги билан қуради. Бошқачасига эмас. Агар унда юқорида тилга олинган аёлликнинг чин бахтини ваъда этувчи фазилатлар бўлмаса, жуда ҳам қийин бўлади. Чунки бу билан у нафақат эпизиҷудисиз деган ном ортиради, балки эрининг кўнглини ўзидан советиб, уйдан бездиради. Бундай аёлнинг болаларига ҳам ачинасан киши. Қизлар онанинг тутумига кўнишиб, ундан ранг олиб унишади, ўғиллар ҳам шундай пала-партиш ҳаётга ўрганиб улғайишиади.

Таҳририятга бир йигит кириб келди. Ўттиз ёшлар атрофидаги муштариийимиз оиласи, икки нафар боласи борлигини гапира туриб, аёлининг эпизиҷиги, уй юмушларига эътиборсизлигидан оғринаётганидан арз қилди:

– Укам ўйлангач, ота-онам бизни бўлак қилиб, ҳовлига чиқариб юборишиди. Рафиқам ойимлар билан яшаган пайтимида чакқон, пазанда, озода эди. Негадир бўлак бўлиб чиққанимиздан бери унинг аввалги фазилатларидан асар ҳам қолмаган. Ишдан ҳориб-чарчаб борганимда болаларнинг оёқ остида ётган ўйинчоқлари, ивирсиб ётган уй хунобимни оширади. Бир ахволда ишдан чиқиб уйга борсанг, на овқат қилинган, на хотин чиройли муомала билан кутиб олади. Таъсир қиласи, қиликлинидан хижолат тортармикан, деган ўйда бир-икки марта кийимларимни ўзим ювиб дазмолладим, йўқ, хотиним иш қилаётганимни кўриб, пинагини ҳам бузмади. Бир-икки марта койигандим, «Нима қиласай, болалар шўхў, булардан вақт ортириб иш қиломасам!» деб шангиллаб берди. Лекин уйимизга ойим ёки опаларим келадиган бўлса, ҳаммаёқ чиннидек ярқираган, қозонда мазали овқатлар пишган, чиройли дастурхонлар тузоғлиқ бўлади.

Хотинимнинг бу мунофиқлиги энсамни қотиради. Меҳмонлар кетгач, яна ўша ахволга тушив қоламиз, – бироз ўйга ботгач, йигит оғринган кўйи гапида давом этди: – Бу кетиши бўлса, хотиним мени бой бериб қўйиши мумкин... Дўстларимнинг, ҳамкасларимнинг уйига меҳмонга борсам, уларнинг хонадонидаги шойисталик, саришталик кўнгилни яшнатади. Менинида эса ҳалиги ахвол. Аёлим олий маълумотли ўқитувчи. Ўзи таълим-тарбия соҳасида бўла туриб, оддий аёлга хос юмушларни қилишга эрениши ва эркакни оиласа боғлаб турадиган фазилатларни мулоҳаза қилмаслиги мени ранжитади. Бунакада бир кун келиб, ўзига қийин бўлади...

Чиндан ҳам эркак кишини оиласадан бездирадиган, аёлидан совитадиган ҳолатлардан бирни хотининг ивирси, ўй-рўзгор ишларига уқувсизлиги ва эътиборсизлиги. Бундай сабаб билан оиласини тарк этган эркакни айборд қилиб бўладими? Нега айрим аёлларимиз бу хусусда чукурроқ мулоҳаза қилмайдилар? Ёки озода, кўркм уй, ширин таом, орасталик уларга роҳат бағишиламайдими? Уй-жойи ивирсиб ётса-ю, қандай қилиб одам ўзига оро бериб, кўчада таманноланиб юриши мумкин? Ҳеч бўлмаганда шундайлар кийган кийими, пардоз-андозига қараб, уйидаги ахволдан хижолат чекишмасмикан?

...Бувим раҳматли жуда покиза, озода аёл эдилар. Уйларидаги саранжом-саришталик кўнгилни яшнатарди. Ҳатто бетоб бўлиб қолганларида ҳам уйда бетартиб сочилиб ётган кийимлар, ювуқсиз идишларни кўрмасдик. Ҳозир ҳам маҳалладошлар, қавм-қариндош бувимни хотирласа, энг аввало, уларнинг озода, пазанда ва чеварлигини гапиради. Ҳам оила, ҳам фарзандлари, ҳам турмуш ўртоғининг кўнглини олишни, касбу коридан обрӯ топишни қойиллатаётган аёлларни кўрганимда бувим раҳматлини эслайман. Улар биз, невара қизларини олдиларига олиб, «қиз боланинг қандайлигини ҳожатхона, ўтихонасини кўриб биладилар», дердилар.

Кичкиналигимизда ўзлари бош бўлиб, шу икки жойни орастада қилиб қўйишимизни назорат қилардилар. Бувим раҳматли жуда чиройли эдилар, юз-қўзларидан ҳамиша нур ёғилиб турарди. Энди билсан, у нур, у тароват меҳрибонгинамнинг чехрасида балқани экан. Агар истасак, биз ҳам бувим раҳматлидек фариштамонанд, нуроний бўла оламиз, азиз аёллар. Факат бунинг учун аввал кўнгилни, кейин эса ўй-жойимизни тоза, озода сақлаб, гўшамизни фаришталар ин қурган маконга айлантиrolсак бўлгани...

**УмидА АЗИЗ,
журналист**



ТАЪТИЛ ШУНИСИ БИЛАН ҚИЗИҚ!

Ҳар йили ўқув йили якунлангач, болажонлар ёзги таътилда соя-салқин, баҳаво масканларда мириқиб ҳордиқ чиқаришга чоғланади. «Тонг» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ана шундай сўлим гүшалардан биридир. Мудофаа вазирилиги тасарруфидаги ушбу маскан Бўстонлиқ тумани Хондайлик қишлоғидаги 7,5 гектар майдонни қамраб олган. Ушбу оромгоҳ мавсумнинг учинчи босқичида ҳам ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар хизматчиларининг 320 нафарга яқин фарзандига ўз бағрини очди.



бошлиғи Диана Машрапова. – Бу ерда шинам ётоқхона, кутубхона, ошхона, стадион, тибиёт пункти, амфитеатр, сузиш ҳавзаси ва тўғарак хоналари болажонларнинг таътил вақтини сермазмун ўтказишга замин яратади.

Дам олиш мавсумининг учинчи босқичига қабул қилинган болалар ёш тоифасига кўра гурухларга бўлинниб, уларга алоҳида тарбиячилар бириктирилган. Болажонлар ўз қизиқишиларига кўра, беш ташаббус доирасидағи «Хореография», «Китобхонлик», «Компьютер саводхонлиги», «Моҳир қўллар», «Ёш мусаввир», «Мусиқа», «Футбол», «Баскетбол», «Волейбол», «Бадминтон», «Стол тениси», «Шахмат», «Шашка» каби ўндан ортиқ тўғаракда билим ва кўнкимларини оширади. Шунингдек, спорт бўйича турли маҳорат дарслари ўғил-қизларнинг ёзги таътил даврини қизиқарли ва эсда қоларли ўтказишга хизмат қиласди.

Сузиш – болалар учун севимли машгулот. Сузиш бўйича мураббий сув ҳавзасидаги техник ва хавфсизлик қоидаларини тушунтирганидан кейингина болажонлар бирин-кетин сувга шўнгийдилар. 400 куб сифимга эга сузиш ҳавзасининг чуқурлиги 130 сантиметр бўлиб, суви доимий фильтрдан ўтказиб турилади.

Ошхонада эса табиий витамин ва дармондориларга бой тансик таомлар ҳар қандай кичкантойнинг иштаҳасини очади. Моҳир ошпазлар болалар учун мазали егуликларни тайёrlаш ва дастурхонга тортишда санитария-эпидемиология талабларига қатъий эътибор қаратмоқда.

Оромгоҳда болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш тизимили йўлга қўйилган. Бунинг учун болажонларнинг оромгоҳда ўтадиган 14 куни маънавий, эстетик ва жисмоний сифатларни такомиллаштиришга оид алоҳида шиор асосида ташкил қилинмоқда. Хилма-хил тўғараклар узлуксиз фаoliyat олиб бориши учун зарур шароит ва жиҳозлар билан таъминланган. Жадвал асосида кичик гурухларнинг жамоавий ва интеллектуал ўйинлари, кўргазмали чиқишилари намойиш этилади.

**Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Vatanparvar»**

@Vatanparvargazetasibot
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati bilan bog’lanish uchun telegram bot

SHU SONNING
ELEKTRON SHAKLI



Мудофаа вазиригининг барча ҳарбий округларидан оромгоҳнинг учинчи босқичи учун рўйхатга олинган дам олувчилар Давлат ва Ҳарбий автомобиль назорати кўмагида манзилга етиб келди. Болаларнинг бир олам шодлигини юзу кўзларидан билиш мумкин.

– Ушбу хушманзара ва баҳаво маскан ҳар йилда ёзги мавсум учун шай ҳолатга келтирилади, – дейди оромгоҳ

